

Шамчироқ ёқиб, тест

топширишди

Чирокчилик 900 нафар муаллимлар тест-синови ўтказиш учун Тошкентдан ташриф буюриши лозим бўлган гуруҳ аъзоларини ревизорни кутган каби саросимада қаршилашмади.

3-бет

Таъзия нутқи керакми?

...кечагина биз билан бир хаводан нафас олиб юрган, вақти-соати — қазоси етиб бандликни бажо келтирган яқин кишиларимизни энг сўнгги манзилга қандай қилиб қузатганимиз маъқул?

5-бет

Қабоҳатнинг қисқа йўли

Ўйланмай килинган ишнинг охири ҳамиша пушаймонликка олиб келади. Шунинг учун ҳам халқимиз "етти ўлчаб бир кес" дейди.

6-бет

Пекин сари илк қадам

Уч кун муқаддам Тошкентдаги «Пахтакор» Марказий стадионида Пекин-2008 йўлидаги дастлабки саралаш учрашуви бўлиб ўтди.

14-бет



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 10 феврал,
шанба № 19 (2276)

ISHONCH



Эзгулик ҷлашмоқ
саодат

И. ҲАСАНОВ олган сурат

Шанба ҳикмати

Яхши тил — тийилгани, яхши гап — ўйлаб айтилганидир. Гапирганингда сенинг сўзларинг сукут сақлаганингдан яхшироқ бўлсин.

11-бем

«Инсонга наф
келтириш — Олий
бахт» танловига

ОАВ ва жамият

Мустақил фикр ва эркин сўз минбари

Давр воқеликлари, жамиятдаги янгиликларни халққа етказишда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Шу боис унга жамият кўзгуси, деб бежиз таъриф берилмаган. Истиклол йилларида бу соҳада эришилган ютуқлар анча салмоқлидир. Жумладан, юртимизда дунё ОАВларидан қолишмайдиган, аудитория талаб ва эҳтиёжини қондирадиган ОАВни шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилди.

Ахборот соҳасини жадал ва изчил ривожлантириш учун салмоқли қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база вужудга келди. Бу соҳада жамоат, нодавлат институтлари ва тузилмаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда техник шароитлар яратилди. ОАВ фаолиятига кўмаклашадиган кўплаб жамоат ташкилотлари ва жамғармалар, агентликлар ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, мустақил фикр ва эркин сўз минбари ҳисобланиши ОАВнинг давр билан ҳамнафас бўлишини таъминлаш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳам ана шундай мақсад йўлида иш олиб бораёпти. Фонд директори Жамолiddин Ҳақимов билан суҳбатимиз соҳадаги вазифаларнинг бажарилиши, ютуқ ва муаммолар ҳақида бўлди.

— **Оммавий ахборот воситалари ва жамият. Бу икки тушунчани бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби жамиятдаги жараёнлардан омма бевосита ОАВ орқали хабардор бўлади. Бугун ОАВ ушбу жараёнда ўзини қанчалик оқлаяпти?**

— Ўзбекистоннинг бугунги матбуоти деганда, кейинги ўн йил ичида ўз фаолиятини шакллантирган 700 га яқин газета, 200 га яқин журнал ва 4 та ахборот агентликлари ва бир қатор интернет нашрлар кўз олдимизда намоён бўлади. Албатта, ҳар бир нашрнинг ўз йўналиши, мақсад ва вазифалари бор. Уларнинг фаолиятини ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мумкин. Баҳолаш жараёнида эса дафъатан яхши ёки ёмон дея фикр билдириш қийин. Сабаби, ҳар бир нашрнинг ўз яхши аънаёлари, мухлислари эътиборини тортаётган ютуқлари, ижодий салоҳияти бўлганидек, бугунги кун талабидан ортда қолаётган жиҳатлари ҳам йўқ эмас.

Бу нисмаларда кўпроқ кўзга ташланмоқда? Фикримча, ҳали оммавий ахборот воситаларида аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик ахборот билан таъминлаш масаласи ўз ечимини етарли даражада топгани йўқ. Биз ўз олдимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифасини қўйган эканмиз, бу вазифани амалга оширишда жамиятда яшаётган ҳар бир инсоннинг фаоллиги асосий омил бўлади. Бунинг учун аввало, жамиятнинг энг илғор кучи бўлган ОАВнинг ўзи фаол бўлиши ва улар етказиб бераётган материаллар қайси жанр ва услубда бўлмасин, аҳолини демократлаштириш ва мамлакатдаги янгиланишлар моҳиятидан ҳолис ва ҳаққоний, муаммал хабардор этиб бориши лозим. Яна шуни қайд этиш керакки, янгиланиш йўлида муаммо ва тўсиқлар, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар оз эмас. Журналистнинг ўтқир нигоҳи уларни биринчи навбатда илғай олиши ва ОАВ орқали жамоатчилик эътиборига ҳавола этиши даркор.

(Давоми-2 бетда)

МАРКАЗИЙ
БАНК АХБОРОТИ

1 Австралия доллари 961,10
1 Англия фунт стерлинги 2441,45

1 БАА дирҳами 338,41
1 АҚШ доллари 1242,85

1 ЕВРО 1608,00
1 Россия рубли 46,94

1 Хитой юани 160,10
1 Кувейт динори 4299,33

1 Турк лираси 885,85
1 Япон иени 102,88

Хабарлар

«Саломатлик поезди» — Жиззахда

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик поезди» Ижтимоий ҳимоя йилининг дастлабки кунлариданоқ жинзхлик чўлқуварларга малакали тиббий хизмат кўрсата бошлади.

Икки ҳафта мобайнида 2 та вагон-амбулаторияда малакали шифокорлар томонидан Дўстлик тумани аҳолисига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилди.

— Бундай тиббий хизмат ташкил этилганидан аҳоли хурсанд, — дейди туман марказий касалхонаси бош ҳақими Ш. Болтаев. — Қисқа даврда 8 минг киши тиббий кўриқдан ўтди. Уларнинг аксариятига даволанишлари учун аниқ ташхис қўйилиб, шифохоналарга йўланмалар берилди.

«Саломатлик поезди» режага кўра вилоятнинг Пахтакор, Фаллаорол, Зарбдор ва бошқа туманларида ҳам бўлиб, аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилади.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

Ишловчи манфаати устувор

«Бухороэнергомарказ» ҳиссадорлик жамиятида 180 нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Ўзаро келишув ва жамоа шартномаси бандларига кўра уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг оғирини енгил қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаш мақсадида коммунал тўловларнинг 50 фоизини корхона ўз зиммасига олган.

Вояга етмаган фарзандлари бор аёлларга эса ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 1,5 баробаригача миқдорда нафақа тўланмоқда. Меҳнат таътилига чиқувчилар учун ҳам иш стажига қараб имтиёзлар яратилган. Бу ва шунга ўхшаш қўлайликлар ишлаб чиқариш унвондорлигини оширишга хизмат қилаяпти.

Наврўз УСМОНОВ,
жамоатчи мухбир

Бахтсиз ҳодисалар камаймоқда

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл ҳўжалиги ҳодимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Фарғона вилоят вақилиги тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда йил сайин ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар сони камаймоқда. Айни вақтда вилоятда 53 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари фаолият кўрсатишяпти. Шу билан бирга маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмиталари ўртасида тузилаётган жамоа шартномаларига меҳнат муҳофазасига оид қўллаб-янгилар бандлар киритилмоқда. Масалан, ўтган йили жамоа шартномаларига 267 та тадбир киритилган бўлиб, уларни амалга ошириш учун 30 миллион 247 минг сўм сарфланди.

Шунингдек, жойларда касаба уюшма ташкилотлари аралашуви билан мавжуд камчиликлар бартараф этилди.

Н.РАФИКОВ,
«Ишонч» мухбири

Саховат

Сурхондарёлик пиллакорлар ҳар йили давлат қабул оморларига минг тоннадан ортиқ «кумуш тола» топширишади. Вилоят «Пилла» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси даромаднинг бир қисmini хайр-саховат йўлида сарфлаб келмоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам улар бундай ишларга алоҳида эътибор қаратиб кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган oilаларнинг моддий аҳолини яхшилашга кўмаклашишмоқда. Жумладан, жамоа Бойсундаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига 400 минг сўмлик хайр-саховат кўрсатишди.

— Ўқсик кўнгилларни кўтариш хайрли ишлардан биридир, — дейди жамият раиси М.Тоҳиев. — Халқимизда бирни берсанг ўрни оласан, деган гап бор. Пиллакорларимиз маҳсулот етиштиришни кўпайтирса, даромад шунга лойик бўлади. Меҳрга ташна кўнгилларни шодлантиришнинг ўзи катта ютуқ. Бу борадаги ишларни давом эттириш асосий вазифамиз бўлиб қолади, деди у.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

(Давоми, боши 1-бетда)

Матбуот саҳифаларида бу масалалар етарлича ёритилаяпти, деб айтиш қийин. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир журналист ўз Ватани ва миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ижод қилиши, жамият тараққиёти учун фаолият олиб бориши лозим. Ана шунда матбуот ўз олдига қўйган мақсадга эришади, деб ўйлайман.

— Фонд қандай мақсадда тузилган эди? Ва бу мақсадга қай даражада эришмоқда?

— Буни, аввало, мамлакатимиздаги янгиланишлар билан боғлаш мумкин. Зеро, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, матбуот нашрлари ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидан четда қолиши мумкин эмас. Давр кўзгуси бўлган ОАВнинг биринчи галдаги вазифаси — мамлакатимиз ва жамиятда юз бераётган жараёнларни ўз вақтида, ҳолис, шунингдек, танқидий ёритиб, улардан аҳолини хабардор этиб боришдир.

янги жамоат ташкилотига эга бўлди.

Фонд ўз низомидаги мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда бир қатор муҳим тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Фонд грантлари асосида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги айни пайтда 44 та босма нашр фаолият олиб бормоқда. Улар компьютер тўплами, диктофон, фотоаппарат каби зарур техника воситалари билан таъминланган. Шунингдек, 15 та нашрга 10 миллион сўмгача фоизсиз кредит берилган. Фонд кўмагида жойларда журналистлар маҳоратини ошириш ва ёш журналистлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида Андижон, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида Журналистлар маҳоратини ошириш марказлари ташкил этилган. Шу билан бирга журналистларни рағбатлантириш ва тахриратларнинг ижодий фаоллигини ошириш мақсадида Фонд томонидан «Жамият ва Мен», «Эътироф», «Менинг Конституциям», «Келажак овози» каби танловлар ўтказиб келинаёпти.

— Фонд фаолияти барча ОАВ ва ахборот агентликларини тўлиқ қамраб олганми? Бу борада қандай муаммо ёки камчиликлар бор?

— Фонд ўз Низоми ва Фаолият дастуридан келиб чиққан ҳолда қонун талаблари асосида мамлакатимизда рўйхатдан ўтган ва ўзига мурожаат қилган барча босма ОАВ ва ахборот агентликлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Фонд фаолияти айни пайтда марказдаги нашрлардан тортиб Сурхондарёнинг «Сариосиё», Қорақалпоғистоннинг «Ёнбошқалъа тонги» каби туман миқёсидаги газеталарига ҳам қамраб олгани бунга далилдир.

— Электрон нашрларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Фонди сиз бошқараётган фонд билан нечоғлик ҳамкорлик қилади? Умуман олганда, электрон нашрлардан кўра босма нашрлар билан алоқа қилиш қийин эмасми?

— Ўзбекистон мустақил босма

Мустақил фикр ва эркин сўз минбари

Халқаро миқёсдаги «Олтин қалам», республика миқёсидаги «Энг улуг, энг азиз», «Атиргул» каби танловлар молиявий қўллаб-қувватланмоқда.

— Бугунги кунда босма нашрлар фаолияти сизни қониқтирдими?

— Ушбу саволга юқорида қисман жавоб берилди. Босма нашрлар фаолияти қониқтирмайди, десак унчалик тўғри бўлмайди. Чунки мамлакатимизда бир қатор босма нашрлар жамият манфаати йўлида ижобий фаолият олиб бормоқда. Масалан, Фонд грант олувчиларидан «Зеркало XXI», «Диёнат», «Маърифат», «Хурият» каби газеталарда кейинги вақтда кишини ўйлантирадиган, мушоҳадага чорлайдиган турли мавзудаги долзарб мақолалар анча кўпайиб қолган.

— Хусусий нашрларнинг бозори чакқонлиги ҳеч кимга сир эмас. Улар жамоатчиликнинг эътиборини бу қадар кенг жалб қилишга қандай эришдилар, деб ўйлайсиз?

— Аввало, айтиш жоизки, аҳолининг барча ижтимоий қатлами бирдек эмас. Ҳар кимнинг дунёқараши, диди, қолаверса, савияси ҳам турлича. Кимдир жиддий нашрларни мутолаа қилса, кимдир кўнгилочар газета-журналларга мойиллик сезади. Халқ орасида «сариқ матбуот» номини олган хусусий нашрларни ўқиш кишида қийинчилик туғдирмайди, уни ўйлаш ва фикрлашга мажбурламайди. Шу билан бир қаторда, ўқувчининг умумий билим ва салоҳиятини оширишга ҳам деярли ҳисса қўшмайди. Улар ўқувчининг бўш вақтини ўтказишда «яхши ҳамроҳ» сифатида танилган ва айни шу жиҳат бу нашрларнинг оммавийлигини ҳам таъминлайди.

Шу ўринда бошқа бир аҳамиятли жиҳатни ҳам қайд этиш лозим. Босма нашрлар ўртасида табиий рақобат мавжуд бўлган, бозор иқтисодиёти талаблари ҳамма учун тенг қўйлаётган шароитда кўпгина хусусий нашрлар ўз имконияти, ҳаракати ва салоҳиятига таяниб иш тутлади. Уларга газета, журнал сарф-харажатлари учун бошқа мулк шаклидаги босма нашрларнинг муассислари каби маблағ, обуна ва бошқа томондан ҳеч ким ёрдам бермайди. Шундай экан, энг аввало, молиявий аҳволни яхшилаш учун, нашрнинг харидоригр, рақобатбардош бўлиши йўлида бор имкониятини ишга солади. Бу эса ўз самарасини беради.

ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий Ассоциацияси ўртасида яхши ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Ўтган давр мобайнида ҳамкорликда бир қатор конференция ва семинарлар ўтказилди. Жумладан, Самарқанд шаҳрида ташкил этилган семинар ёки «Келажак овози» танловини ёритиш бўйича электрон ОАВ ва босма нашрлар журналистлари ўртасида ўтказилган танлов ҳам фикримиз исботидир.

Саволингизни иккинчи қисмига тўхталадиган бўлсак, босма нашрлар билан алоқада ҳеч қандай қийинчилик йўқ. Муҳими, ўртада самимият ва ўзаро ишонч, зиммадаги бурчга масъулият билан ёндашишдир.

— Маълумки, 1997 йил 26 декабрда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Орадан салкам ўн йил ўтиб «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (янги таҳрирда) қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун қабул қилинишининг омиллари ва сабаблари ҳақида тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, ўн йил бу оз фурсат эмас. Ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилган янгиланишлар кўламини ҳам бундан далолат беради. Айни шу вақт ичида республикада ахборот ва телекоммуникация соҳасида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилди. Соҳага янги нафас олиб кирилди. Бу эса табиийки, қонунчиликда ҳам ўз аксини топмоғи лозим эди. Янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши сабабини, аввало, ана шу билан изоҳлаш мумкин. Бундан кўзланган мақсад эса янгиланишлар жараёнида оммавий ахборот воситалари соҳасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш, аynиқса, ОАВни яратиш, уларнинг фаолият кўрсатиш ва фаолиятини тўхтатиши борасида вужудга келадиган муносабатларни бугунги ва эртанги кун талаблари асосида ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини янада оширишдан иборат.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош:
Ҳидоят Жўраева

Хатлар — Ҳаёт Ойнаси

Газета ва газетхон

Бир фармон шарофати

Солиқ имтиёзи сармояни мустаҳкамлаяпти

Республика Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони шарофати билан Олтинкўл туманида «Олтинкўл Текстиль» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси барпо этилган эди. Таъсисчилар 3294000 АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиб, унинг асосий қисми замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари олишга йўналтирилди. Натижаси чакки эмас. Ўтган йилдан бошлаб бу ерда харидорғир трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Хозирда ана шу корхонада 224 киши фаолият кўрсатапти. Режага кўра яқин орада уни тўла қувват билан ишга тушириш мўлжалланган. Ушанда яна шунча кишининг ишли бўлишига имкон яралади.

Мухими, қўшма корхона ўтган даврда солиқ ва тўловлардан 143995,1 минг сўмлик имтиёзларга эга бўлди. Бу — корхона айланма маблағларини кўпайтиришга ва такрорий инвестициялашга йўл очмоқда.

Обиджон САРМОНОВ,
Андижон вилояти Давлат солиқ
бошқармаси шўъба бошлиғи

Шамчирок ёқиб, тест топширишди

Лекин ўша куни антиқа ҳол юз берди: туман марказидаги 1-ўрта мактабда шунча ўқитувчи тўпланиб, соат ўн бўлишини сабрсизлик билан кутарди. Ахир, шу куни кимнинг ким эканлиги синов орқали юзага чиқиши аниқ ва тоифалар ҳам белгиланади. Кун чошгоҳдан ошса-да, меҳмонларнинг ҳамон дарағи йўқ эди.

— Келишаяпти, — дея ичкарига ўзини урди муаллимлардан бири.

— Йўғ-э, эртага қолдиришар балки, ахир, соат 19 бўлди-я! — деди яна бошқаси.

— Бугунги ишни эртага қолдирма, деган гап бор. Қани бўлинглар, ҳозир бошлаймиз, — дея гапга аралашди туман халқ таълими бўлими мутасаддилари.

Шундай қилиб, 900 нафар муаллим 30 та гуруҳга бўлиниб, алоҳида синфхоналарга киришди. Атайлаб қилгандай электр чироклари ҳам ишламасди.

Хуллас, куннинг кечида бозордан шамчироклар келтирилди. Соат 21 лар чамаси, ним қоронғуда 70 та саволга амал-тақал қилиб жавоблар ҳам ёзилди.

— Хайрият, — деди ўқитувчилар иш ниҳоясига етганидан қувонишиб. — Амалласа бўларкан-ку!

Аммо машмашанинг барчаси шу йилнинг январида бошланди: туман халқ таълими бўлими эшигида осилган рўйхатда 900 нафар ўқитувчидан 600 нафари йўқ эди. Кейинчалик маълум бўлишича, уларнинг кўпчилиги мутахассис тоифасига туширилган ёки суҳбатдан ўтказилган экан.

Қисқаси, ана шундай гаплар. Аммо чирокчилик муаллимлар орасида битта фикр юрибди: шамчирок шуъласида топширилган тест-синовлари амалдаги қонунларга мос келадими? Ўқитувчиларнинг ҳақли саволига Республика Халқ таълими вазирлигидаги мутасаддилар, Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарияти ҳамда республика тест Марказидагилар нима дейишаркин!..

Халил САНАЕВ,
84-мактаб ўқитувчиси,
Қашқадарё вилояти

Саховат

Пенсионер ва ногиронлар ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ишлари Гулистон туманида ҳам яхши йўлга қўйилган. Туман ижтимоий таъминот бўлими мутасаддилари тасарруфдаги 43 нафар ёлғиз қариялар ва 14 нафар болаликдан ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Уларга 12 нафар ижтимоий ходимлар хизмати ташкил этилган. Ўтган ойда 1,5 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами ва 2,5 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилди.

ҒАМХЎРЛИК

Меҳрга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш ишларида 200 та тадбиркор ва ишбилармонларнинг алоҳида ҳиссаси бор. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 8 нафар қария бепул даволантирилиб, саломатлиги тикланди. Шунингдек, ўтган йил охирида 5 нафар ногиронга эшитиш мосламаси, қўлтиқтаёқ ва арава-чалар олиб берилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида бу каби саховатлар янада ривожлантирилаяпти. Туман қурилиш ташкилотидагилар 3 та хонадонни мукаммал таъмирлаб беришни зиммасига олган бўлса, халқ таълими бўлимидагилар кам даромадли оилаларнинг фарзандларини ёзги дам олиш масканларида соғломлаштиришди.

Манзура ОДИЛОВА,
Сирдарё вилояти

Тадбир

Кунни кеча Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Маънавият маърифат маркази, педагогика ва тиллар кафедраси, бирлашган касаба уюшма кўмитаси ҳамда факультетлар ҳамкорлигида сўз мулканинг султони, буюк мутафаккир олим, давлат арбоби, беназир шоир Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллиги кенг нишонланди. Унда институт профессор-ўқитувчилари, навоийшу-

НАВОИЙХОНЛИК КЕЧАСИ

нос олимлар ва талабалар қатнашдилар. Педагогика ва тиллар кафедраси бошчилигида бир гуруҳ ёшлар сахна кўринишлари намойиш этиб, Навоий ижодидан намуналар ўқидилар. Айниқса, русийзабон талабалар томонидан айtilган ғазаллар йиғилганларни жунбўшга солди.

Шунингдек, Навоий асарлари қаҳрамонлари монологларидан парчалар, тадбирга ташриф буюрган бир гуруҳ санъаткорлар томонидан мумтоз куйлар ижро этилди.

Тадбир ниҳоясида ташкилотчи ва иштирокчиларга бирлашган касаба уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Б. МУҲАММАДОДИЛОВ

Бандлик дастури амалда

Каттакўрғон шахри аҳолиси анча зич жойлашган ҳудудлардан бири саналади. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳам шунга яраша. Уларни бартараф этишда касаба уюшма ташкилотларининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Айниқса, янги ишчи ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

МЕҲНАТ БОЗОРИ

Жорий йилнинг дастлабки ойида тармоқ фаоллари ҳамда шахар ижтимоий таъминот бўлими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг биргаликдаги саъй-ҳаракати, шунингдек, ижтимоий шерикчиликда ўтказилган меҳнат ярмаркаси муҳим аҳамият касб этди. Унда мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари ва кичик корхоналардан 75дан кўпроғи қатнашди.

Натижада 21 нафар вақтинчалик ишсизлар жамоатчилик юмушларига, 70 нафар илк бор қатнашганлар эса касбий таълимга, яъни хунар ўрганиш масканларига йўналтирилди.

Салимжон ЭШТЎХТАРОВ,
Самарқанд вилояти

Шунақаси ҳам бўларкан-да!

Гоголнинг машҳур «Ревизор» комедияси мактаб партасидан кўпчиликка яхши таниш. Аммо муаллифга қойил қолиш керак. Асарни меъёрига етказган.

Чирокчилик 900 нафар муаллимлар тест-синови ўтказиш учун Тошкентдан ташриф буюриши лозим бўлган гуруҳ аъзоларини ревизорни кутган каби саросимада қаршилашмади. Негаки соҳадагиларни вақти-вақти билан тоифалаш шу тизимда бор нарса. Қолаверса, анча илгари — 2006 йилнинг 20 ноябрида аттестация бўлиши эълон қилинганди-да!

Тадбиркорлик

Аҳолига манзур

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фермерларга айлантирилаётганида Урганч туманидаги «Дўрмон» ширкати жамоаси — «бу ёғига энди нима қиламиз?» дея эсанкираб қолгани бор гап. Аммо хўжалик юритишнинг янги шакли ўз афзаллигини кўрсатди. Ширкат давридаги ижобий анъаналар ривожлантирилиб, тадбиркор ва мулкдорларнинг кучи билан саноат корхоналари ҳамда кичик ишлаб чиқариш цехлари кўлами кенгайтирилди.

Даставвал ўзлари етиштира-

ётган маҳсулотни шу жойнинг ўзида қайта ишлашга эътибор қучайтирилди, тикувчилик ва миллий хунармандчилик цехлари ҳамда темирчилик, кулолчилик цехлари, иссиқхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда ана шу жойларнинг ҳар бирида 40—50 нафар киши иш билан таъминланган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлиги боис миқозлар эътиборини тортмоқда.

Жасурбек НУРБОЕВ,
Хоразм вилояти

Ижтимоий ҳимоя

ТЎЙБОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

«Тошлоқ» пахта тозалаш корхонаси очик турдаги ҳиссдорлик жамиятида меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофаза-лаш муҳим ўринлардан бирида туради. Яқинда бўлиб ўтган тадбир ҳам аини шунга йўналтирилди.

Заркент кишлоғидаги пахта қабул қилиш пункти ишчилари Ш. Аллаярова, М. Умарова ва Х. Ҳусановалар кўп болали ҳамда кам даромадли оилалардан. Корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида уларнинг фарзандларига хатна тўйи қилиб берилди. Шунингдек, ҳар бир тўйбола но-

мига банкда ҳисоб рақами очилиб, 50 минг сўмдан маблағ ўтказилди.

Жамоа аҳли саховатли ишларда ҳамisha бош-қош. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш қаторида, ён-атрофдаги маҳаллаларни ободонлаштириб, 20 нафар ногиронларни оталигига олган. Байрам ва тадбирлар уларнинг иштирокисиз ўтмайди. 60 нафар меҳнат ва иккинчи жаҳон уруши фахрийлари эса ҳамisha эъзозда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси,
Фарғона вилояти

• Мумтоз адабиётимиз дурдоналари

Мирзо Абдулқодир Бедил ҳазратлари яшаган даврда форс адабиёти мухлисларини янги асарлар билан ҳайратлантириш ниҳоятда душвор эди. Мазкур адабиётда бу пайтгача қудратли шоирлар яшаб ўтган ва турфа услубдаги ижодий мактаблар бўлган, форс шеърятда жадид адабиётга залворли ҳисса қўшиб улгурган, ўзининг авж пардаларида гўё куйлаб бўлгандек эди.

Мирзо Абдулқодир Бедил ўз ижоди билан Аллоҳ мўъжизаси нақадар чексиз эканлигини исботлади, ундан қолган мерос тараққиёт нақадар бекиёс бир синоат эканлигига далил бўлди. Мирзо Абдулқодир Бедил Ҳиндистоннинг Азимобод шаҳрида таваллуд топди. Унинг отаси Шаҳрисабз ўзбекларидан бўлиб, ҳаж сафаридан кейин Ҳиндистонда муқим яшаб қолган эди.

Ёш Абдулқодир бошланғич маълумотни онасидан олди. Унинг мутафаккир сифатида камол топишида, шоир бўлиб шаклланишида мадраса таҳсили, шунингдек, амакиси Мирзо Қаландар, тоғаси Мирзо Зарифлар берган тарбия муҳим аҳамият касб этди.

Ҳаёти ва ижоди Шох Жаҳон, Аврангзеб сингари бобурийлар даврига тўғри келган шоир ўз фаолиятининг дастлабки даврларида аждодлари удумига кўра сипоҳийлик қилди, ҳарбий хизматга кўнгли бўлмаганидан, кейинчалик истеъфо бериб, умрини буткул бадиий ижодга бағишлади, кўплаб шоғирдлар тарбиялаб етиштирди.

Мирзо Абдулқодир Бедил ва у яратган мактаб ижодкорлари форс шеърятини яна ҳам юксалтирдилар, шарқ маънавиятида янги

давр очдилар.

Мирзо Абдулқодир Бедил шахсияти туркий, форсий ҳамда Ҳиндистон халқларини бирлаштириб турадиган силсиланинг узилмас ҳалқасидир.

Дарҳақиқат, шоирнинг қалами энг кичик заррадан коинот чексизлигигача бўлган поёнсиз ораликда бир қарашда барча мураккабликлари, қочиримлари илғаб олиш мушкул бўлган

Мангу ҳайрат

нафис шиддат билан чайқалиб туради. Бу сернукта битиклар замин ва замон, илоҳ ва инсонга мансуб бўлган муштарак бир юракнинг тебраниш чизикларидир.

Шоир қалами мисрама-мисра маънавият ва Рух уммонининг туб-тубига кириб боради, инсоннинг юрагига аёвсиз бир журъат билан шўнғийди ва у ердан бебаҳо дурдоналар олиб чиқади.

Икки кўз гавҳариндан
ком олурман,
Икки дунёга жуфт
бодом олурман.

Хўш, бир жуфт кўзи икки дунёга арзийдиган Бедил талқинидаги инсон қандай фазилатлар эгаси? Бу инсон хушрафтор, борган ерига оёқ изи ярашадигандир.

Агар сен бўлмасанг дилга
негиб бахт, гулузор келгай,

Агар келсанг, сурур келгай,
беҳишт келгай, баҳор келгай,

Бедил ҳазратлари ўз китобхоналарига ана шундай беҳишт, ана шундай баҳорни тўхфа этиб яшади. Айни пайтда бу тўхфа биз учун ўзига хос синов ҳамдир. Негаки бу беҳишт, бу баҳор салтанатига мисраларда тилсимланган чигал йўллар орқалигина кириб бориш мумкин.

Шоирнинг руҳий оламига, ана шу биёбонга қадам қўя борар экансиз, бу салтанат қаршингизда тобора шуқулироқ, тобора поёнсизроқ бир тарзда намоён бўла боради.

Мирзо Бедил назми-

Мурда ҳам маҳшар учун
оввора,
Ором олмоқ не қадар
душвордир!
— деб ҳасрат чекади.

Мирзо Абдулқодир Бедил газалиётида айрилиқ тўғрисида, олис сафарга кетаётган қарвон ҳақида талай ёниқ мисралар мавжуд. Бу шеърятда соғинч оҳанглари, айтиш мумкинки, етакчи оҳанглардан биридир, қолаверса, шоирнинг насрий асарларида "Чаҳор унсур" ота ватанидан уни қавми қариндошлари йўқлаб келганлиги ҳақида хотиралар борки, бу ҳол шоирнинг ёд-хаёли Туркистондан бир лаҳза бўлсин узилмаганлигини кўрса-

зо Абдулқодир Бедилга, не нуқсонни бўлса таржимонга тегишли ушбу газалларни эътиборингизга ҳавола қилаётиб, мени ташна бир қуш ўрнида кўришингизни ўтинам.

Мирзо Абдулқодир
Бедил

Чекиб мен дард, биров ором
аро сақлайди жон бунда,
Икки олам-ку бир тилсим,
калит бегумон бунда.

Хуноб бўлма сўраб мақсад
йўли биздек майиблардан,
Оёқлардан бирон бир из
қолурми ҳеч қачон бунда.

Таним қон ёшга фарқ деб,
мулки ҳайратга қадам қўйди,
Кўзингдан тоғмоғи таъқиқдир
ҳатто қатра қон бунда.

Кўзимдан гар умид учқунлари
сўнган, ажаб эрмас,
Мурод-мақсадга етмакка
илинж йўқ бир замон бунда.

Нақш банд айласанг дилга,
бўлур таҳликадан мажруҳ,
Жароҳатми нақш содиқ, очиб
кўр фол, гумон бунда.

Ерай роҳатларимни ғам-алам,
айтинг, нечун йўқса,
Баҳорим гулларин кўртлар
қилибдурлар хазон бунда.

Билинг, бизнинг кафан
Машҳадда тенгдир жон
баҳосига,
Шаҳидлардир яланғоч шул
сабаб тўққанча қон бунда.

Ки дардлар ҳамласи
тўлғонтирар борлиқ
ва йўқлиқни,
Сен ҳам, Бедил, эшитгайсен,
қулоқ тутсанг фиғон бунда.

Матназар
АБДУЛҲАКИМ,
таржимон,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
маданият ходими

Энди мени қуйди парим,
синди қанотим,
Кенгликка само зор,
фурсатга замонлар.

Бу муборак шеърятда туркона ёввойи навқиронлик, форсийна нуроний заковат, ҳашам, ҳиндуона афсун-сеҳр чамбарчас яшайди. Бедил бир газалида:

Садоқат ва меҳр
майдони ичра
Шаҳид бўлдим, абад ором
олурман,
— деб таскин топса,
бошқа бир байтида:

тади. Она Ватани ҳам, ўз навбатида, буюк фарзанди ижодини эътиборсиз қолдирмади. Буюк туркий диёр ўзининг форсийзабон ўғлига теран қунт, оташин меҳр билан муносабатда бўлди. Бу қунт, бу меҳр муттасиллик касб этди. Биз таржима жараёнида Хоразм шаҳри қишлоқларига сафарлар қилганимизда ҳам бу эътиборнинг шоҳиди бўлдик. Деярли ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда шоир девонларини кўз қорачиғидек асраб келаётган китобсеварлар борлиги, бу эса бир вақтлари воҳамизда қизгин бедилхонликлар бўлганлигидан далолат эканлигини қайд этиб ўтмакни истаймиз.

Дарёдан ҳар ким ўз ташналигига яраша сув ичади. Парвоздаги қуш ҳам осмоннинг бор баландлигини забт эта олмайди, Бедил ҳазратлари шеърятини уммон кабидир, осмон янглиғдир. Не фазилати бўлса, Мир-

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон санъат арбоби,
ёзувчи



(Боши ўтган сонларда)

Маълумки, Президент қарорига кўра ҳар йилги Рамазон ва Қурбон ҳайитининг биринчи кунини дам олиш кунини бўлиб байрам қилинади. Яқин кишилари вафот этган хонадонларда ҳайит кунлари марҳум ёки марҳумани хотирлаш — фотиҳагарчилик бўлади. Қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар, ҳамкасбалар, қўни-қўшнилари ва маҳалла фаоллари келиб, Қурбон сураларидан тиловат қилиб, мусибатзадалардан кўнгли сўрайдилар, сабр тилайдилар. Бизнингча, бу одатимизни тутмоқ лозим. Бу удум вафот этиб кетганлардан кўра кўпроқ улар орқасида қолганлар учун керак. Такорорлаймиз одам тафтини одам олади. Лекин уни оммавий мусибат задабозликка айлантириб юбормаслик керак. Чунки, ҳайит ўз номи билан ҳайит, яъни байрам қилинадиган кундир.

Ўзбек маҳалласи ҳақида сўз бораркан, маҳалланинг асоси бўлмиш оила ва ўзбек оиласи ҳақида, булар ўртасидаги ўхшашлик ва айрим ўзига хос жиҳатлари тўғрисида тўхталмаслик мумкин эмас.

Оила. Барча нарсаси жуфт-жуфт бўлиб яратилган экан, жуфт бўлиб яшаш табиат тақозосидир. Лекин оила бўлиб яшаш барча маълумот орасида фақат Одам наслига хосдир. Ер юзиде биринчи оилани Одам Ато билан Момо Ҳаво тузишган. Улар узок айрилиқдан кейин бир-бирларини жуда соғиниб қолишган, дийдор кўришганлар. Мухаббат тарихи ҳам биринчи отамиз ва биринчи онамиздан бошланади, десак, янглишмаймиз. Мухаббат жуда қадим нарсаси, лекин уни ҳар бир юрак янгилайди, деганда шоир минг бор ҳақдир.

Маълумки, оила жамиятнинг биринчи ва бирламчи заррасидир. Жамият ана шу кичик зарралардан ташкил топади. Лекин у

шунчаки зарра эмас, тирик вужудлар иттифоқидир. Ҳар бир тирик вужуднинг ўзи алоҳида бир олам. Ер юзиде агар 6 ярим миллиарддан ортиқ одам яшаса, уларнинг ҳар бири ўзига хос феъл-атворга эга, бир одам иккинчи одамдан нимаси биландир фарқланади, бу ёруғ жаҳонда бир-бирини айнан такорорлайдиган кишилар йўқ. Одамларки бетақдор эканлар, оилаларнинг бир-бирига ўхшамаслиги ўз-ўзидан аён-дир. Эр ва хотин — икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам — бу оиладир. Иттифок иборасида аҳиллик, тотувлик, деган маънолар ҳам бор, албатта. Агар оила ҳақиқатан тинч-тотув, аҳил бўлса, олам гулистон. Акс ҳолда турмуш дўзахга айланади, оила эса зиндоннинг ўзи бўлади-қўяди, эр ва хотин эса бир-бирига рақиб ва рақиб бўлиб қоладилар, бунинг жабрини эса улардан кўра болалари, яқин қариндошлари тартадилар. Жамиятга моддий ва маънавий зиён етади.

Дарҳақиқат, оила фақат эр ва хотиннинг ўзидан иборат эмас. Оила эр-хотин, уларнинг бола-чақалари, энг яқин туғишганларидан иборат кишилар гуруҳи, бошқача айтганда, хонадондир. Оила одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир. Табиий муносабат дейилганда, эр-хотинлик муносабатлари, бола кўриш; иқтисодий муносабат дейилганда, мулкӣ муносабатлар, уй-рўзғор, ҳовли-жой — бошпана — кичик ватан; ҳуқуқий муносабат дейилганда, никоҳни давлат йўли билан қайд этиш назарда тутилмоқда. Оила расмий тус олган тақдирдагина, эр хотини олдида, хотин эри олдида, уларнинг икковлари фарзандлари олдида, фарзандлари ота-оналари олдида масъулиятли ва бурчли бўладилар; маъна

Мулоҳаза

Хозиргина устозимизни тупрокка қўйиб келдик. Кабристондан қайтаётганимизда марҳумнинг ўғилларидан бири «Отамиз қандай одам эдилар?» деди таомилга кўра. Одамлар «Худо раҳмати эди», «Яхши одам эди» дея жавоб қайтаришди. Майит чиққан ховлига келиб қўрьон тиловат қилинганидан кейин таъзияда иштирок этганлар марҳумнинг сифатлари, сўнгги кунлари ҳақида бир-бирлари билан ўзаро гаплаша бошладилар:
— Раҳматли устозимиз ажойиб инсон эдилар...
— Бир умр ҳалол, камтарин яшадилар...
— Оддий қишлоқ оиласида туғилиб, фан доктори, профессор даражасигача етган эдилар...

— Кўплаб шогирдлар чиққан эдилар...

Сўхбатга қулоқ солиб ўтирар эканман, «Шу гаплар нега марҳумни тупрокка топширмасдан олдин айтилмади?» деган ўй ич-ичимни ўртай бошлади. Ахир бу одат халқимизда бор, қолаверса, бундайин гаплар марҳумдан ҳам кўра жанозага йиғилган одамларга — тирикларга кўпроқ керак эди-ку!

Тўғри, ўлим эсанкиратади. У содир бўлгандан кейин ихтиёр диний расм-русумларга топшириб қўйилади. Аёллар йиғи-сиғи билан, эркалар қўл қовуштириб кўнгил сўраб келганларни кузатадилар. Маҳалла имоми жанозадан олдин ўлим энг катта ибрат эканлиги, бу кун ҳамманинг бошида борлиги, охиратга ҳозирлик кўриб бориш лозимлиги ҳақида қисқача ваъз айтади, рози-ризалик сўралади, вассалом.

Бу ҳам керак, аммо шу пайтда марҳумнинг ҳамкасб дўстлари, энг яқин кишилари у ҳақда икки оғиз сўз айтса бўлмайдими? Ахир, биз кечагина ёнимизда юрган кишимиз билан абадий видолашмоқдамиз-ку!

Кечагидай эсимда. Етмишинчи йиллари устозларимиздан бири вафот этса, биз талабалар ҳам таъзияда иштирок этардик. Менимча, бу яхши одат ҳозир ҳам давом эттирилса ёмон бўлмасди. Қабр устида устозларимиз нутқ сўзлар — марҳум билан видолашардилар. Бу шунчаки қуруқ гаплар бўлмай, бадиҳагўйлик билан битилган марсия, аллома ва шоирларнинг ўлим ҳақидаги ибратли фикрлари, жуда

бўлмаганда сажъ (қофияли наср)дан иборат эди. Бир пайтлари Ўринбой Холматов деган адабиётшунос устозимизнинг таъзиясида (ҳозир ўзи ҳам қаторимизни тарк этган марҳум устозимиз) Иқбол Назаров қабр тепасида қуйидаги марсиyani тўлқинланиб ўқиб берган эдилар:

Марг сенга номард ўлим
Ул камтарин олим қани?

Илму фан толибларига
Меҳри лиммо-лим қани?

Табиийки, чин юракдан отилиб чиққан мунгли сўзлар қалбимизни жунбушга келтирди. Тарбиямизга ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Кейинчалик билсак, устозимизнинг бадиҳагўйлик билан битган марсиyasининг илдиэлари чуқур экан. Жумладан, Алишер Навоий устози Абдурахмон Жомий вафотидан чексиз изтиробга тушиб «Чарх анжуманидан ҳар дам янги жафо келади» деб, бошланадиган марсия ёзган бўлсалар, ҳазрат Наврийнинг ўзлари вафот этганларида бир неча ўнлаб марсиялар ёзилганлиги ҳақида

Ойбекнинг «Навоий» романида қуйидагиларни ўқиймиз: «Шоирлар, шеър ҳаваскорлари, олимлар, ҳатто табибларга қадар қайғуни, Навоийга бўлган муҳаббатларини шеърга қўймоққа бошладилар. Икки, тўрт, олти, саккиз мисрали «тарих»лар саноксиз пайдо бўла бошладилар. Парча-парча қоғозлар қўлдан-қўлга ўтиб, кўчирилиб, янги илҳомларни тўлқинлантирди. Ҳар бир

сўздан йиғи, фарёд кўтарилган, қайғу барқ урган ажойиб «Марсия»лар яратилди. Шоирнинг мотамини шеър гуллари беади...

Ўзбек адабиёти тарихининг билағон устозларидан бири, профессор Н.М.Маллаев (Оллоҳ уни раҳматига олган бўлсин) ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун ёзган дарсликларида Навоийнинг дафн маросими катта-мотамга айлангани, кўп

шоирлар, тарихчилар Навоийнинг хотирасига бағишлаб асарлар ёзгани, машҳур тарихчи Хондамир Навоийнинг ўлими мамлакат учун қандай оғир мусибат бўлганлигини тасвирлаб қуйидаги шеърни битганлигини келтиради:

Ўлимидан ҳар бир уйга тушди мотам,
Мамлакатнинг ҳар бурчидан чиқди фиғон.
Темир юрак, тош юракли кишилар ҳам
Бу даҳшатли мусибатдан ютдилар қон.


Адабиётимиз тарихидаги бундай анъана замондош ижодкорларимиз томонидан ҳам давом эттириб келинмоқда. Биргина Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов томонидан устозлари Фафур Фулом, Миртемир домлаларга, ҳатто шогирди Чори Авазга бағишлаб ёзган марсиyлари ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Юқоридаги фикрлардан таъзияда нутқ сўзлаш фақат шоир ва ёзувчилар ёки олимларгагина тегишли экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, албатта. Бу гаплар касби ва лавозими, миллати ва келиб чиқиши, ёши, жинсидан қатъи назар жамиятга озми-кўпми нафи теккан ҳар бир одамга — жами ҳазрати инсонга тааллуқлидир.

Ўлим — ҳақ. Ундан ҳеч ким қочиб қутула олмаган ва қутула олмайди ҳам. Бинобарин, шундай экан, кечагина биз билан бир ҳаводан нафас олиб юрган, вақтисоати — қазоси етиб бандаликни бажо келтирган яқин кишиларимизни энг сўнгги манзилга қандай қилиб кузатганимиз маъқул? Унинг таъзиясида нутқ сўзлаш керакми? Керак бўлса, у қачон, қаерда ва қандай ижро этилгани дуруст? Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз, мухтарам газетхон?

Сиддик МҮМИН,
филология фанлари доктори

Таъзия нутқи керакми?



қат, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия каби инсоний туғилулар ва талабалар кўзда тутилмоқда.

Оила аъзолари бир-бирлари билан умумий турмуш, ўзаро иқтисодий-мулкӣ, ҳуқуқӣ, ахлоқӣ, руқӣ алоқалар билан боғланади. Оиланинг биринчи заифаси ўз насл-насабини давом эттиришдан, солиҳ ва солиҳа фарзандларни тарбиялашдан, оила аъзоларининг тирикчилигини, бўш вақтини кўнгилли ўтказишни таъминлашдан иборатдир.

Оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодиса бўлиб, оиланинг ички ишларига ҳеч ким ҳуда-беҳуда аралашшга ҳақли эмас. Шу сабабли оила муқаддас ва даҳлсиз ҳисобланади. Рамзий қилиб айтсак, оила ўзига хос кичик бир мухтор давлатдир. Лекин оила осмондан тушмайди, оила жамият ташқарисидан эмас, унинг таркибидадир. Оилавий муносабатлар жамиятдаги мавжуд ижтимоӣ, иқтисодӣ, мафкуравий ва маънавий муносабатлар билан белгиланади ва улар таъсирида ўзгариб бораверади. Оилавий муносабатлар жонли, ўзгарувчан жараёндир. Шунга кўра ҳар бир жамият ўзига мос ва хос оила турини танлайди ва шакллантиради. Масалан, XII асрдаги ўзбек оиласи билан бугунги ўзбек оиласи ўртасида муайян фарқлар бор.

Ўзбек оиласи. Ўзбек маҳалласида яшовчи ўзбек оиласининг дунёдаги бошқа оилаларга ўхшаш томонлари кўп. Шу билан бирга унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Халқимизда, никоҳ энг аввало Арши аълода ўқилур, кейин эса ерда, деган нақл беҳудага айтилмаган. Ота-боболаримизнинг азалий тушунчалари бўйича, никоҳ — илоқий аҳд, оила — муқаддасдир. "Хотинлариниз зироатгоҳингиздирлар", дейилади Қуръ-

они каримнинг Бақара сураси, 223-оятда. Бу сўзлар билан оила тузишдан биринчи муддао — фарзанд кўриш эканига ишора қилинмоқда.

Маълумки, Ҳадиси шарифларнинг муайян қисмида ахлоқ-одоб, маънавият, оиланинг поклиги ва мустаҳкам бўлишига оид қимматли фикрлар мавжуд:

"Кимгаки Аллоҳ таоло солиҳа хотин насиб этган бўлса, динининг ярмига ёрдам қилибди, қолган ярмига ўзи тақво қилсин". Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин, деган ўзбек халқ мақолини эсласак, бу ҳадисга шарҳнинг ҳожати қолмайди.

"Хотинларнинг баракотлироғи уйланиш харажатлари ёнғилидир". Демак, ҳаддан ташқари дабдабали тўй қилиб, қарзга ботиб, хонадондан кут-баракани кўтармаслик керак.

"Хотин киши қовургадан яратилган. Агар сен қовургани тўғрилайман десанг, синдирасан, муро-са қилу у билан яша". Демак, аёлни аёл деб билиб, унинг турли хархашаю инжиқликларига, ноз-фироғу эркаликларига, таманною истиғноларига чидамоқ, қисқаси, бир гапдан қолмоқ зарур. Эр эркалик мақоми — тахтидан тушмаслиги лозим. Мур-осаю мадора деб мана шунга айгилади.

"Қайси бир хотин эрининг розилигисиз уйдан чиқса, Аллоҳнинг ғазабида бўлади, то қайтиб кел-гунича ёки эри рози бўлгунча". Бу ҳақда халқимизда "Эр рози — худо рози" деган ибора бор.

"Қайси бир хотин сабабсиз эридан талоқ сўраса, жаннат хиди унга ҳаромдир". Ваҳоланки, ривоят қилишларича, жаннат хиди қирқ минг йиллик масофадан келиб турар экан!

"Хотин кишига энг ҳаққи кўп киши эри-дир, эркак кишига энг ҳаққи кўп киши она-

сидир". Чиққан қиз чийириқдан ташқари, дейди халқимиз. Тарбияли, оғир-босиқ, оқила она турмушга чиққан қизига ҳар гал кўрганида "куёвимни ҳур-мат қил" деб тайинлаб туради. Келини билан ўз ўғли ўртасида гап қочганида келинининг ёнини олади, келинини ўз қизи ўрнига қўйиб кўради.

"Агар бир шаҳарда лоқал бир аёл бир марта бу-зуклик кўчасига кириб ҳароми орттирса, бу шаҳардан қирқ йил файзу баракот кўтарилиб кетади". Бас, шундай экан, маънавий камолотсиз моддий фаро-вонликка эришиб бўлмайди. Оила поклик-софлик-ка, садақатга асосланиши керак.

"Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қиладилар. Уларни фақат пасткаш одам хўрлайди". Аёлларни ҳар ким ўз момоси, ўз онаси, ўз эгачи-сингиллари сифатида ҳурмат-иззат қилиши лозим. Шундагина у инсониятнинг давомийлигига ҳам ўз ҳиссасини қўшган бўлади. Аёлларни хўрлаш ҳам ҳар хилдир. Энг тубан хўрлаш эса аёлни нопок йўлга етаклаш-дир. Демак, аёлни нопокликка етаклаган эркак пасткашдир.

"Кимки зино қилса, ундан иймон чиқиб кетади". Иймонсиз кимса одам қиёфасидаги шайтондир.

"Хотин-қизларнинг номусини ҳимоя қилиш, уларни қизғаниш иймондандир. Қизганмаслик эса мунофиқликдандир". Тили бошқа, дили бошқа ким-сани мунофиқ дейилади. Рашк — севги соқчиси!

"Аллоҳнинг ҳалол қилган нарсалари ичида Унга энг ёмон кўрингани — талоқдир". Демак, ҳуда-бе-ҳудага оғиздан "талоқ" сўзини чиқариб юборавер-маслик керак экан.

"Эркак кишининг жамоли — тилидир". Аёлнинг жони тулоғида ҳам бўлади. Ширин сўз — жон озиғи!

(Давоми бор)

21

22

23

Муҳокама учун мавзу

— Худо тўйдан буюрсин-у, лекин ҳар куни тўйгарчилик ошқозонимни ишдан чиқарди, — дейди автобусда ўтирган аёл ёнидаги ҳамроҳига.

— Бўкунча еманг-да, — дейди иккинчиси ҳазил араваш.

— Эҳ, кечаги фалончининг тўйини кўрмабсиз, оламга келмабсиз. Беш хил овқат тортилди. Салатлар, ассортилар, ширинликлар, ичимликларни-ку кўяверинг.

Хар қайсисидан кам-кам татиб кўрсангиз ҳам беш кун овқат емасангиз бўлади, — дейди халиги аёл. — Мен ҳам ўшандай тўй қилишни орзу қиламан. Лекин, қаёқда...

Дабдабалиқ

Тўй

Машмашаси

Ноҳос

қулоғимга чалинган бу сўзлар мени ўйга толдирди. Дарҳақиқат, тўйларимиз кундан-кунга дабдабали тус олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Албатта, тўй яхши. Лекин, келинг, бошдан дўппини олиб, тўйга кетаётган харажатлар ҳақида озгина мулоҳаза юритсак. Аввало ҳозир тўйларимизни ресторан, барларда ўтказиш урфга айланди. Айрим махсус тўй ўтказадиган жойларда бир киши учун ўтирадиган стул беш минг сўм. Баъзисидан ундан ҳам кўпроқ. Ўзбекнинг нимаси кўп, ошна-оғайниси, қариндош-уруғи, таниш-билиши. Агар ўша тўйга 500 нафар киши ташриф буюрса, 2,5 миллион сўм биргина стуллар учун харажат қилинади. Ичимликлар ҳақида айтмасам ҳам бўлади. Чунки мен исмини ҳам билмайдиган алламбало ароқлар, коньяклар-у, шампан, винолар...

Ачинарлиси шундаки, эркаклар қатори аёлларимиз ҳам спиртли ичимликлардан бемалол истеъмол қилиб ўтиришадди.

Яқинда Бухоро давлат қўғирчоқ театри Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган 18-Халқаро экспериментал спектакллар кўрик-танловида иштирок этиб қайтди. Театрнинг бадиий раҳбари Й. Генжаев таассуротларини сўзлаб бераркан, айниқса, у ерлик миллионерларнинг тўйлари барчамизни ҳайратга солиб, ўйлантириб қўйди. Чунки улар қанчалик бой бўлмасин, ресторанда 50 га яқин одам чақираркан. Узун стол устида фақатгина торта ўхшаш ширинлик. Ичимликлардан эса қаҳва, мева шарбатлари, 8 нафар дўмбичачи-ю бир сурнайчи пиллапояларда жойлашиб олиб, мусиқа асбобларини баланд чалишаркан. Ҳамма ўйин-кулги қилиб, қиз ва йигит турмуш қурганликларини маълум қилишаркан. Ана — тўй. Чикимсизгина. Энди уларнинг тўйлари билан ўзимизникини солиштириб кўраверинг. Хали тўйдан кейинги даҳмазалар-чи? Шунчалик бойиб кетганмизми? Ёки бойлигимизни қаерга сарф қилишни билмай қолдикми?

Ном чиқаришга тўйлар қилиш, қўшимиздан қолишмайдиган қилиб қасрлар қуришга жуда ҳам берилиб кетмадикми-кан-а? Еттинчи авлодимизга етадиган бойликларни уйга босиб қўйишни ҳуш кўрамиз. Бироқ ўша йиғиб қўйган бойликларимиздан улар фойдалана оладими? Худо буюради-ми? Бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмаймиз.

Тўғри, биз ҳамма инсонларни бир қолипга солмоқчи эмасмиз. Қўли очик саховатли кишиларимиз кўп. Болаларга янги мактаб қуриб берган миллионерларимиз ҳам бор. Афсус, ҳамма ҳам шундай эмас-да.

Тўй қилсак, ўзимизнинг чўнтагимиздан қилибмиз-да, деб эътироз билдиришингиз мумкин. Хўп, сизнинг дабдабали тўй қилишга кучингиз етибди. Аммо фақатгина маошга яшайдиган қўшингиз-чи? У ҳам емай-ичмай сиз каби тўй қила олмаганидан кўнгли кемтик бўлиб қолмайдими? Тўйларда тортиладиган спиртли ичимликларнинг ёшларимизга кўрсатадиган салбий оқибатлари ҳақида ким ўйлайди? Ичкилик оқибатида тўйдан сўнг бўладиган жанжаллар-чи? Булар ўйлаб кўрадиган муаммолар эмасми? Ўша кимўзарга қилаётган тўйларга кетаётган 4-5 миллион сўм пулларимизни маҳалламиз, кўчамиз, болалар боғчалари, илм масканларининг ободонлиги учун ишлатсак бўлмайдими? Биз савоб ҳақида кўп гапирармиз. Энг катта савоб аслида шунинг ўзи-ку...

Гулчеҳра БОНУ,
журналист

Қилмиш-қидирмиш

Қабоҳатнинг қисқа пули

Ўйланмай қилинган ишнинг охири ҳамиша пушаймонликка олиб келади. Шунинг учун ҳам халқимиз "етти ўлчаб бир кес" дейди-да.

Рустам (исмлар ўзгартирилган) мактабни тамомлагач, чорвачилик фермасида пайвандчи бўлиб ишлаб юрди. У ердан кетиб, орада бироз муддат музқаймоқ цехида ишлади. Кейин бу ишдан ҳам бўшади. Бекорчиликдан безор бўлиб юрган кунлари тоғаси бир гап айтиб қолди:

— Анови дўстим Ботир бор-ку, ўша Россияга кетаётган экан. Бир йилдан буён ишлаб юрган укаси унга ҳам иш топиб қўйибди.

Мана шу икки оғиз гап Рустамнинг дардларига малҳамдек туюлди. Унинг ҳам ўша жойга бориб ишлагиси, меҳнати эвазига ота-онасини қувонтириш баробарида тенгдошлари қатори тўй қилгиси келди. "Дўстингиз мени ҳам олиб кетсин" деб илтимос қилгани учун тоғаси бу масалани ҳал қилиб берди.

Рустам бу ҳақда ота-онасига маслаҳат солиб, у ерга етиб олиш учун уйдаги сигирни сотиб беришларини сўради.

— Рўзгорга яраб турган шу битта тарғилимиз бўлса. Уни ҳам йўқотсак... Бу ёғи қандай бўларкин? — деди онаси.

— Мен ишлаб пул жўнатаман, ўшанда яна битта сигир оласизлар. Хали ҳаммаси яхши бўлади, — деди Рустам.

— Қўй, болам. Тинчгина олдимизда юргангиз яхши.

Дадасининг бу гапидан уларнинг муддаосини тушунди. Аслида ўларнинг тутишларидан ҳам бунга рўйхушлик бермаётганликларини сезилиб турарди. Энди қандай қилиб бўлмасин шу микдордаги пулни ўзи топишига тўғри келади. Яқин танишларидан қарзга пул олиш нияти ҳам пучга чиққан Рустамнинг ҳафсаласи пир бўлди, уйқусини йўқотди. Бутун вужудини фақат битта фикр қамраб олганди: қандай бўлмасин йўл пулини топиши шарт, акс ҳолда сафардан қолиб кетиши турган гап.

Шунда ёз ойида маҳалладоши Саъдулло аканикида уюштирилган ҳашарда қатнашиб, тушлик пайти шкаф орқасида турган автомат макетини кўриб қолгани эсига тушди. "Ўшани бир амаллаб қўлга киритсам, одамларни кўрқитиб пулни олардим. "Ниқоб остидан мени ким ҳам танирди?" деган фикр Рустамнинг кўнглига келди. У дарҳол режа тузиб, уни амалга ошириш учун ишга киришди. Тоғасиникига борганда стол ёнидаги эски спорт шапкаси диққатини тортди. Ундан икки кўз ўрнини устара билан тешиб, ниқоб тайёрлади ва сомонхонага беркитиб қўйди.

Рустамнинг назарида барча ишлари силлиқ кўчаётгандек эди, гўё. Ўша куни кенжурон Саъдулло аканикига ҳам борди. Бахтига уйда ўғли Нодирдан бўлак ҳеч ким йўқ экан. Бироз уёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Сўхбат давомида Рустам тез-тез шкаф томонга қарар, жойи ўзгармаган автомат макетини кўриб ҳаяжонланиб кетарди. Шу пайт яна бир қулай вазият туғилди. Нодир ер ҳайдаш учун келган тракторчи билан овора бўлиб, Рустамни ёлғиз қолдирди. Ҳовли кенг бўлгани учун унинг нариги бурчагидаги киши қатор экилган дархатлар орасидан уй ичини кўролмасди. Мана шу ишонч билан Рустам автомат макетини олиб, девор тагидаги супурги остига яшириб қўйди. Бироздан кейин Нодир келди.

— Саъдулло акани кутдим, кел-

мади, ўзида ишим бор эди, — деди Рустам. — Энди мен бораё, кейин яна бир келарман.

Бу ерга келишдан кўзлаган асл мақсади амалга ошгани учун ҳам Нодирнинг яна озроқ кутишни таклиф қилганига қарамай, ўрнидан турди.

Кўчага чиққанида юраги ҳаяжондан тез-тез урарди. «Режамнинг деярли ярми амалга ошди-ку, — қўтилмаган натижадан хурсанд бўлиб ўйлади Рустам. — Агар барча ўйлаганларимни пухта бажарсам, ҳаммаси жойида бўлади. Демак, ишни давом эттириш керак».

Энди пули бор деб тахмин қилинганлардан бирини танлаши зарур эди, лекин кимни?

Рустам уйининг бир қисмини дўконга айлантирган Ҳакимни эслади. Уни анчадан бери танийди. Чунки улбул харид қилиш учун бу ерга кўп келарди. Бунинг устига Рустам Ҳакимга музқаймоқ цехида ишлашини айтган, ишдан бўшаганидан эса у ҳали беҳабар. Лекин аввал унинг пули бор-йўқлигини аниқлаши керак. Рустам қатъий қарорга келиб, Ҳакимнинг дўқонига йўл олди: Гап орасида арзон музқаймоқ олиб келиш таклифини айтди. Таклиф Ҳакимни қизиқтириб қўйди.

— Унда эртага 23 ларда 5 қути музқаймоқ олиб келаман, — дея ваъда берди. Рустам унинг пули борлигига ишонч ҳосил қилди ва режаси тўла амалга ошишига қаттиқ ишонди. Бу пайтда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

Ярим тунга яқин Рустам битмаган уй орқали Саъдулло аканинг ҳовлисида кирди-да автомат макетини камзулига ўраб олиб кетди. Режасини яна бир бор ҳаёлидан ўтказиб, бирданига хатога йўл қўйганини пайқаб қолди. «Энди автомат макетини ичкарига олиб кириб бўлмайди, Ҳаким акани шу бҳага солмаслик учун қўлимда қути шаклидаги нарсани бўлиши керак, автомат макети эса...». Бироз ўйлаб, бунинг ҳам чорасини топди. Демак, пиноч ҳам олиш керак. «Ҳаким акани беҳуш қилиб, автомат макети билан оиласини кўрқитиб пулни оламанди, тўғри тоғамнинг дўстини олдига бораман».

Эртаси куни келишилган вақтда ўзи билан олиб чиққан сафар анжомларини спорт сумкасига тўртбурчак шаклида жойлаштириб, Ҳакимнинг уйи ёнига келди. «Энди Ҳаким ака музқаймоқ олиб келганимга ишонади, — ўйлади ишдан мамнун бўлиб Рустам. — Ишқилиб уйига кириб олайин-да».

Ҳакимнинг уйи ёнига келгач, аввал автомат макетини бута остига яширди. Сўнг уй эгасини чақирди. Унинг дўконга келаётганини қадам товушларидан сезган Рустам:

— Дўкондан кўра уйга туширган маъқулроқ, кенг жойда санаб оласиз, — деди. Ҳаким шубҳаланмай эшикни очди. Бунга қадар эса Рустам ички чўнтагида олиб келган ошпиноқни олиш қулай бўлиши учун чап енгига яширишга улгурди. «Юк» ортилган велосипед билан ичкарига кириб олган Рустам Ҳакимни чалғитиш мақсадида

30 дона музқаймоқ олиб келганини, қолганини шериклари етказиб келаётганини айтди. «Қоровул сезиб қолиб, ортимдан қувиб келаётганди, — деди овозига ташвишли тус бериб. — Қаранг-чи, ташқарида кўринмаяптими?»

Ҳаким унинг гапига ишониб, дарҳол эшикни қулфлаб, эшик тиркишидан ташқарига кўз ташлади. Рустамга шу керак эди. Енгидан пиночни чиқариб, ўзига орқа ўгириб турган Ҳакимнинг бош қисмига зарб билан урди. Нима бўлаётганини англай олмай қолган Ҳаким жон ҳолатда:

— Воҳ-ҳ, ёрдам беринглари! — деди.

Унинг ёрдам сўраб бақирishi яна тақрорламаслиги учун юзига икки-уч марта мушт туширди. Ҳаким ерга йиқилиб, хирллаб қолди. Рустам дарҳол дарвозахонанинг ташқи ва ички чироқларини ўчирди-да, жасадни 10 метрча судраб бориб, ҳожатхона девори яқинида қолдирди. Энди кўчада қолдирган автомат макетини олиб кириш керак эди, бироқ қўтилмаганда келиб қолган харидорлар Рустамнинг режаларини бузиб юборишди.

Кеч бўлганига қарамай «ҳумори тутган» харидорлар дўкон деразасини тақиллатиб, уй эгасини чақирди.

— Дадаси, харидорлар келишди шекилли, туриб қаранг, — деди Моҳира.

Бироқ турмуш ўртоғи овоз бермагач, Моҳиранинг ўзи турди. Эрининг ўрнида эмаслигини кўриб, ҳовлига чиққандир, деган ўйда келганлар билан савдо қилди. Улардан бири таниш бўлгани учун:

— Баҳром, Ҳаким аканг кўчада кўринмайдими? — деб сўради. Йўқ, жавоби уни хавотирга солди. Дўкон деразасини ёпиб, ҳовлига тушди, бир неча бор турмуш ўртоғини чақирди.

— Дадаси, дадаси.

— ...
23.15 Х/ф «Молчание ягнят». (США).
03.10 «Криминальная Россия».
04.00 Комедия «Мой папа - герой». (Франция).
05.40 «Профессия - репортер».

ТВ-3

08.00, 08.30 М/ф.
08.30 Жизнь, полная радости.
11.00 Х/ф «Трест, который лопнул». (Россия).
15.15 Х/ф «Игрушка». (Франция).
17.15 Х/ф «Любовная лихорадка». (США).
20.00 «Киномания».
21.00 Х/ф «Двойной прощелок». (США).
23.00 Х/ф «Евротур». (США).
01.00 Т/с «Лезвие ведьмы», 12 с.
02.00 Т/с «Семья Сопрано» Перевод Гоблина.
03.00 Х/ф «Наследие зла». (США).
05.00 Х/ф «Оборотни с Уолл-Стрит». (США).
07.00 Релакс.

СТС


08.00 Анимационный фильм «Учительский пес».
09.05 М/ф «Тайна Третьей планеты».
09.55 М/с «Радужная рыбка».
10.20 М/с «Смешарики».
10.30 М/с «Просто Норман».
11.00 М/с «Улица Сезам».
11.30 М/с «Ясон и герои Олимпа».
12.00 Самый умный.
14.00 Жизнь прекрасна.
16.00 Снимите это немедленно.
17.00 Д/с «Мать и дочь».
18.00 Истории в деталях. Спец. выпуск.
18.30 М/с «Том и Джерри».
18.40 Т/с «Виола Тараканова. В мире преступных страстей 3». Фильм 1. «Главбух и полцарства в придачу».
23.00 Х/ф «Обнаженное оружие».
00.50 Слава Богу, ты пришел!
02.20 Х/ф «Стальные магнолии».
04.30 Х/ф «Формула Эдема».
06.00 Х/ф «Избранный ангелом».

07.00 М/ф «Прометей».
07.25 М/с «Крот и его друзья».
08.40 Наши песни.
09.00 Т/с «Счастливы вместе».
09.30 Т/с «Саша+Маша».
10.00 Комедия «Ограбление по-итальянски». (Великобритания).
12.00 Звезды против караоке.
13.00 М/с «Охотники на драконов».
13.30 М/ф «Василиса Микулишна».
14.00 М/ф «Рикки-Тикки-Тави».
14.30 М/ф «Пес в сапогах».
15.00, 21.00 «Дом 2. Про Любовь».
16.00 Триллер «Охотники за разумом».
18.00 Клуб бывших жен.
19.00 Алло, гараж!
19.30 «Такси» в Питере.
20.00 «Необъяснимо, но факт». «Тайны Тибета».
22.00 «Комеди Клуб».
23.00 «Секс» с А. Чеховой.
23.30 Правила съема.
00.30 «Дом 2. После заказа».
01.05, 05.05 «Ночные игры».
01.30 Наши песни.
01.55 «Дом 2. Любовь».
02.50 Т/с «Семейка Ад-

дамс».
03.20 Комедия «Фрикадельки».

DTV

09.00 Музыка на ДТВ.
09.05 Чемпионат анекдотов.
09.55 Тысяча мелочей.
10.25 М/ф.
12.20 Х/ф «Затерянные в Антарктиде».
14.25, 04.00 Д/ф «Как ухаживали кумиры. Рудольф Нуриев».
15.30 «Я выжил!»
16.25 Шоу российских рекордов.
17.30 Самое невероятное видео.
18.30 Самое смешное видео.
19.00 Смешная реклама.
19.30 «Этот безумный мир».
19.55 Территория призраков.
21.00 Фабрика смеха.
22.00 Х/ф «История Уэндела».
00.00 Т/с «С.С.И Место преступления. Нью-Йорк».
02.00 Шоу рекордов Гиннеса.
03.00 Т/с «Следствие ведет Да Винчи».
04.50 Ночной клуб.
06.50 Смешная реклама.
07.10 «Деньги с неба».
07.30 Музыка на ДТВ.



Сўзсиз сурат.

А.ҲАКИМОВ чизган сурат

TV-MARKAZ

Душанба 12

07.00 «Премьера» (ўзб.).
07.30, 10.45, 14.00, 16.30, 18.30, 21.00 Ўзбек наволари.
08.00, 19.00 «Премьера» (рус.).
08.30 «Сайилгоҳ».
08.45, 13.00, 15.45, 17.30, 20.30 Мировые хиты.
09.00 Сериал «Шахматист».
5-сер.
10.00 «Сўнмас орзулар».
11.00 Кино-SMS. Фильм-победитель прошлой недели.
15.00 Теленяня.
18.00 «Премьера» (ўзб.).
19.30 Сериал «Шахматист» 6-сер.
22.00 Комедия по повелению «Любовь зла».
00.15 Миксер.

Сешанба 13

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (ўзб.).
07.10, 10.30, 13.40,

16.20, 17.45, 18.10, 20.25 Ўзбек наволари.
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS (рус.).
08.10, 13.15, 14.40, 15.45 Мировые хиты.
09.00 Сериал «Шахматист».
6-сер.
10.00 «Премьера» (ўзб.).
11.00 Комедия «Любовь зла».
15.00 Теленяня.
17.00 «Топ-20».
19.10 Сериал «Шахматист» 7-сер.
20.10 «Сайилгоҳ».
21.00 «Великолепная семёрка».
21.30 Мировые хиты.
22.00 Х/ф «Отпуск по обмену».
00.30 Миксер.

Чоршанба 14

07.00 Марказ NEWS (ўзб.).
07.10 Ўзбек наволари.
07.30 «Премьера» (рус.).
08.00 Марказ NEWS (рус.).
08.10 Микс концерт.

09.00 Сериал «Шахматист» 7-сер.
10.00, 14.10, 16.15 Мировые хиты.
10.30 Х/ф «Отпуск по обмену».
13.00, 13.30, 15.45 «Love story».
13.15, 13.45, 19.15 Сериал «Шахматист» 8-сер.
20.10 Мировые хиты.
20.30 «Премьера» (ўзб.).
21.00 «Юлдузли пайшанба».
21.30 Ўзбек наволари.
22.00 Х/ф «ДОМ У ОЗЕРА».
00.10 Миксер.

Пайшанба 15

07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS (ўзб.).
07.10, 08.25, 13.40 Ўзбек наволари.
08.00, 14.30 Марказ NEWS (рус.).
08.10 «Сайилгоҳ».
10.00, 13.20, 14.40, 15.45 Мировые хиты.
11.00 Х/ф «Сладкий ноябрь».
15.00 Теленяня.

16.00 Ўзбек наволари.
17.00 «Великолепная семёрка».
17.30 Мировые хиты.
18.10 Ўзбек наволари.
19.00 Марказ NEWS (рус.).
19.10 Сериал «ШАХМАТИСТ» 8-сер.
20.10 Мировые хиты.
20.30 «Премьера» (ўзб.).
21.00 «Юлдузли пайшанба».
21.30 Ўзбек наволари.
22.00 Х/ф «ДОМ У ОЗЕРА».
00.10 Миксер.

Жума 16

07.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб.).
07.10 Ўзбек наволари.
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус.).
08.10 «Топ-20».
09.00 Сериал «Шахматист» 8-сер.
10.00 Ўзбек наволари.
11.00 Х/ф «Дом у озера».
13.10 Мировые хиты.
13.30 Марказ NEWS (ўзб.).
13.40 Ўзбек наволари.
14.30 Марказ NEWS

(рус.).
14.40 Мировые хиты.
15.00 Теленяня.
15.45 Мировые хиты.
16.00 Ўзбек наволари.
17.00 «Миссия неповторима».
17.30 Мировые хиты.
18.10 Ўзбек наволари.
19.10 Сериал «ШАХМАТИСТ» 9-сер.
20.10 «Сўнмас орзулар».
20.50 Ўзбек наволари.
21.00 «Премьера» (рус.).
21.30 «Сайилгоҳ».
21.45 Ўзбек наволари.
22.00 Х/ф «ШАГ ВПЕРЕД».
00.00 Миксер.

Шанба 17

07.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб.).
07.10 Ўзбек наволари.
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус.).
08.10 Мировые хиты.
09.00 Ўзбек наволари.
09.30 «Сайилгоҳ».
09.45 Ўзбек наволари.
11.00 Х/ф «Шаг вперед».
13.00 Ўзбек наволари.
14.00 «Премьера» (ўзб.).
14.30 Мировые хиты.
15.00 Теленяня.
16.20 Мировые хиты.

17.00 Ўзбек наволари.
19.10 Концерт.
21.00 Ўзбек наволари.
22.00 Х/ф «НЕВЕСТА И ПРЕДРАССУДКИ».
00.10 Миксер.

Якшанба 18

07.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб.).
07.10 Ўзбек наволари.
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус.).
08.10 Концерт.
09.50 Мировые хиты.
10.00 «Сўнмас орзулар».
10.45 Мировые хиты.
11.00 Х/ф «Невеста и предраассудки».
13.10 Мировые хиты.
14.00 Ўзбек наволари.
15.00 Теленяня.
16.20 Ўзбек наволари.
16.30 «Премьера» (рус.).
17.00 Ўзбек наволари.
17.30 «Юлдузли пайшанба».
18.10 Ўзбек наволари.
18.30 «Сайилгоҳ».
18.45 Ўзбек наволари.
19.10 Мировые хиты.
20.00 Ўзбек наволари.
21.00 «Топ-20».
21.45 Мировые хиты.
22.00 Х/ф «ИДЕАЛЬНЫЙ МУЖЧИНА».
00.00 Миксер.

Теледастурлар «САДО» МЧЖ дан олинди

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

— Кечгача жавобини айтинг. Шунга қараб иш тутамиз. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ноила Умаровани телефонда суҳбатлашадиган ҳолатда учратдик.

— Ҳар доим ишни якуни ва натижаси билан танишишдан бошлайман. Ахир касбимиз шуни тақозо қилади-да. Тармоққа қарашли завод бош муҳандиси яқинда бизга мурожаат қилиб, ўн йилдан буён меҳнат таътили пулларини ололмаётганлигини айтди, — дейди Н.Умарова. — Натижада завод ундан 2 миллион 850 минг сўм қарздор бўлиб қолган. Ўша пулни ундириб беришга ҳаракат қилаёلمиз. Аввал ҳаммасини батафсил суриштирдик. Маълум бўлишича, ходим таътилга чиқиш ҳақида ҳар гал ариза берганида, маъмурият заводда таъмирлаш ишлари бошланганлиги ёки кузги-қишқи мавсумга ўтаётганлигини рўқач қилиб оқибатсиз қолдирган. Бу орада бир-икки марта раҳбарлар ҳам алмашган. Айни пайтда заводни бошқараётган шахс эса пулни беришга унамаяпти. Хуллас, шу ишнинг ортидан югуриб юрибмиз. Бугун кечгача кузатув кенгаши раҳбари ўз хулосасини бериши керак. Шундан кейин астойдил ишга киришамиз. Лозим бўлса судга мурожаат қиламиз.

кўнглимга осойишталик бахш этади. Ноҳақ ишдан бўшатилган киши ишига тикланса, пулни ундирилмай сарсон бўлиб юрганнинг муаммоси ижобий ҳал бўлса, бунинг савобига нима етсин! Ахир ўша инсоннинг ортида бутун бир оила, фарзандлар бўлади. Уларнинг кўзида қувонч шуъаларини ёндириш катта бахт-ку.

Суҳбат асносида миннатдорчилик мактублари жамланган жилдни бир-бир ва рақлайман. Оила номидан, жамоа номидан келган мактублар...

Раҳбар зиммасидаги масъулият ниҳоятда залворли. Бу масъулиятни адо этишда унга жамоа суянч ва таянч бўлиши эса оддий ҳақиқатдир. Зеро, раҳбарнинг меҳнатини юзага чиқариш ҳар жиҳатдан жамоага боғлиқ. Шу маънода Н.У-



киш, ҳар бир ходимга ҳурмат билан қараш — Ноила опанинг одатий юмушига айланган. Шу боис опани нафақат шаҳар кенгаши аппарат ходимлари, балки тизимдаги кўплаб корхона ва ташкилотлардагилар ҳам меҳрибон раҳбар ва дунёқарашли кенг, шахсий фикрига эга бўлган инсон сифатида ҳурмат қилишади.

Бу каби самимий дил сўзларини кенгаш раиси ўринбосари Шавкат Қўшоқов, меҳнат

зим.

Ноила опа турмуш ўртоғи Абдурашид ака Умаров билан икки қиз, бир ўғилни тарбиялаб вояга етказишди. Бугун улар турли соҳаларда халққа хизмат қилишмоқда. Ота-онага муносиб фарзандлар бўлишган. Жамшид сайёҳлик фирмасида, Нодида эксперт, Наргиза эса онасининг изидан борди, касаба уюшмасида фаолият кўрсатмоқда.

Оилада оқила бекалик ва-

ЭЗГУЛИК УЛАШМОҚ — САОДАТ

Ҳеч эътибор берганмисиз, одамларга яхшилик қилаётган, улардан ёрдами аямаётган инсоннинг юзидан нур ёғилиб, кўзи кулиб туради. Ишдан мамнунлиги бир боқибданок сезилади. Аслида бирор соҳа ёки касбнинг яхши-ёмони, фойдалию фойдасизи бўлмайди. Фақат ўз соҳасини мукамал билладиган, у туфайли ўзгаларга наф келтирадиган, шундан обрў топганлар бўлади, холос. Ноила опа билан суҳбатлашиб, иш фаолияти билан танишганимда ҳаёлимда ана шу фикрлар чарх урди...

Тошкент политехника институтини имтиёзли диплом билан тамомлаган ёш қиз фаолиятини шаҳардаги атир-упа фабрикасида бошлади. Уч йилдан сўнг уни 850 кишилик жамоа касаба уюшма кўмитаси раиси этиб сайлади. Ўшанда у 25 ёшда эди. Меҳнатсевар, ишлаб чарчамайдиган, билимдон, ҳаракатчан қиз тез орада барчанинг ишончига кирди. Елиб-югуришлар — изланишлар ўз самарасини берди. 32 ёшида уни озиқ-овқат саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитасининг котиби лавозимига ишга ўтказишди.

— Зиммангдаги вазифани бажара оласан, мен бунга ишонаман, — деди устози Анатолий Броилов. — Асосийси, ҳузурингга келган ҳеч бир киши ноумид қайтмасин. Кўлидан етаклаб бўлса-да, муаммони ҳал қилиб бер. Ҳеч бўлмаганда маънавий ёрдамлаш. Тушунтир, унинг ҳақ ёки ноҳақлигини асослаб бергин.

Орадан йиллар ўтди. Қанча-қанча сувлар оқиб кетди, лекин устозининг ана шу ўғитларини бирор сония ҳам унутмади. Ҳар доим ким келишидан, қандай шикоят ёки аризалар билан танишишидан қатъи назар адолат билан ёндашиб, ижобий ҳал қилишга уринди. Қолаверса, шогирдлари, фарзандларига ҳам ана шу ўғитни қайта-қайта ўқтиради.

Тошкент шаҳар кўмитаси илк ташкил этилган йили уни раис этиб сайлашди. Йигирма йилдирки, у бу ишончли оқлаб келаяпти. Шунча йилдан буён неча-неча меҳнаткашларнинг муаммоси бартараф этилди. Кўнгилларга умид чироғи ёқилди.

— Ўзида етарли кўникма ва билим бўлмаган ходим ўзгаларга қандай ёрдам беради, оғирини енгил қилади? Аввало, ана шунга эътибор қаратилди. Бошланғич кўмита раислари, фаоллари, кадрлар бўлими бошлиқлари, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, кўйинги, ҳамма ходимлар тузилган режа

асосида ўқитилади, — дейди суҳбатдошимиз.

200 та бошланғич ташкилот, битта олийгоҳ ва иккита коллеж тармоққа қарашли бўлиб, уларнинг ҳар бирида қандай муам-

марова аввало жамоа билан ишлашга алоҳида эътибор беради. Ходимлар юқори поғонага кўтарилиб бошқа ишга ўтган ёки ўқишга кирган тақдирдагина жамоани тарк этади.

муҳофазаси бўйича етакчи мутахассис Раҳимжон Тоиров, ҳисобчи Гулчеҳра Салоҳитдиновалардан ҳам эшитдик.

Соғлиқ туман бойлик. Ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом

зифасини ўрнига қўяётган бу аёлни ҳатто кўни-қўшнilar ҳам холи жонига қўйишмайди. Кимдир оилавий муаммолар юзасидан ёрдам сўрайди, яна кимдир эса маслаҳат дегандек.

Беш нафар набиранинг севимли бувижониси Н.Умарова барча болаларни ўз фарзандидек севади, ардоқлайди. Айниқса, тармоққа қарашли 3 та болалар оромгоҳида ёзги мавсум бошланган чоғида опани асло иш жойида учратиш бўлмайди. Болажонларнинг мароқли дам олиши, тетик ва баркамол бўлиши учун тиним билмай елиб-югуради.

Ҳар йили Наврўз, 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ва Мустақиллик байрамида Ф.Ғулом номидаги миллий боғда анъанавий кўрик-танлов, спорт мусобақалари ўтказилади. Болалар ўртасида бўладиган арқон тортиш, футбол, мини футбол, шахмат, шашка мусобақалари якунида яхши натижага эришганлар тақдирланади. Бу ишда ҳам кенгаш бош-қош.

Меҳнатнинг роҳати, ширин меваси мамнуният ила боқаётган кўзларда, изҳор этилаётган дил сўзларида акс этади. Опанинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. Ўртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришда ҳамда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этаётган меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, касаба уюшмаларининг нуфузини ошириш ишига салмоқли ҳисса қўшганлиги учун «Эҳтиром» нишонига сазовор бўлди.

Саодатманд бўлмоқликнинг шарти саодат изламоқ, эзгулик улашмоқликдир, деган эди донишмандлардан бири. Ноила опа шу бахтни ҳис этиб нурли манзиллар, эзгулик сари интилмоқда.

Хидоят ЖҰРАЕВА,
«Ишонч» мухбири



мо ёки камчилик мавжуд, қайси бири ечимини топдию, қайсиниси якунига етмади — ҳамма-ҳаммаси опанинг назоратида.

— Шу соҳада ишлаётганингиздан қувониб, кўнглингиз фаҳрга тўлган дамларни эслашнинг завқи ўзгача, шундай эмасми? — сўрайман беихтиёр қизиқиб.


— Албатта. Миннатдор боқаётган кўзлардан юрак тубидаги сўзни ўқиш мумкин. Ҳар гал бирор кишининг «Раҳмат, опа. Ёрдамингиз билан муаммо ҳал бўлди», деган сўзини эшитсам, шунинг ўзи мен учун энг катта мукофот. Одамлар ташвишини камайтириб, оғирини енгил, мушкулени осон қилиб ҳаловат топаман. Улардаги хотиржамлик, хурсандчилик

— Ишни бошлаганимга кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди ташкилий бўлим мудир Гулбаҳор Абдуллаева. — Ушбу қисқа вақт мобайнида шунга амин бўлдимки, корхона ёки ташкилотнинг гуллаб-яшнаши, иш унумининг ошиши, ходимлар ўртасида ўзаро меҳроқибатнинг бўлиши авваламбор, раҳбарнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ экан. Хизмат жойи, ишхона — иккинчи уй. Инсон умрининг асосий қисми шу ерда ўтади. Ишхонада соғлом муҳитни ҳамда ижобий иш шароитини шакллантириш, ходимларни оила аъзоларидек кўриш, уларга жонкуяр бўлиш, кўп йиллик тажрибани ўртоқлашиш, билмаганларини ўргатиш, ходимларнинг фикри билан қизи-

инсон доимо ҳаракатда бўлади. Шу боис меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаш билан бирга уларнинг соғлиғига ҳам катта аҳамият бериб келинмоқда. Шаҳар ҳудудидagi корхона ва ташкилотлар ходимларининг дам олиши, соғлиғини мустаҳкамлаши учун етарли шароитлар яратилган. Тизимдаги «Ором» ва «Настарин» санаторий-профилакторийларида бу борада олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Жонкуяр раҳбар, меҳрибон она, файзли хонадон бекаси. Бу каби фазилатларни муҳассам этмоқлик учун аёлда мустаҳкам ирода, тоғдек юрак, метиндек бардош бўлмоғи ло-

Хикоя



Қовун

ишмишида

лайди. Агар бирор ўткинчи қовун-тарвузга қўл чўзгудай бўлса, албатта соҳибини хабардор қилади. Шунинг учун ҳам ўтган-кетганлар қовун егиси

силар? — дея хушламайгина кўришди. Ботир:

— Озроқ қовун обкетгани келувдик, — деди. Шунда у бир пас ўйланиб турди-да:

— Қовун обкетишга келган бўсаларинг, биринчи беш-беш даста қаррак чопиб берасилар, кейин қовун бераман, — деди. Ботир мендан сўраб ҳам ўтирмай “майли”, деди. Менинг эса тезроқ қовун егим келарди. Одил ўтган

қўзига бўлиб солдик, яъни битта-биттадан. Шу тобда бир ҳаёлимиз қовунларни пайкалга отиб юбориб, кетмоқчи ҳам бўлдик, лекин кўзимиз қиймади.

Бошқа пайкалдан олиб кетайлик, десак, қош қорая бошлаган, бунақа маҳалда чайлага яқинлашгудек бўлсак, ит қуллаши тайин. Эгасидан сўрамай олишга ҳам юрагимиз дов бермайди, кўриб қолса ушлаб олади.

Охири ҳаммасига қўл силтаб, Одилни бўралаб-бўралаб сўкканча уйга жўнадик. Аста-секин атрофга қоронгулик чўка бошлади, чайлалар ёнидаги ўчоқлар ёқилган. Ўчоқлардаги гулхан шуълалари гўё зимистон чўлини ёритишга ожиздек милт-милт этади. Жимжит чўл юрагимизга ваҳима солади. Эшакларимизни жадаллатиб ҳайдаймиз. Бир томондан қорнимиз ҳам оча бошлаган.

Асфальт йўлга яқинлашиб қолганимизда, эшакнинг айили бўшаб қолган экан, эгар-жабдуғи бир томонга оғиб кетди-ю, хуржун билан қўшилиб, ерга йиқилдим. Эшак сал нарида тўхтаб қолди. Ҳар қалай ёмон тушмабман, чап елкамда бироз оғриқ турди-ю, салдан сўнг ўтиб кетди. Лекин, хуржундаги иккала қовун ҳам ёрилиб кетганди. Ботир эшакда, мен ерда турганча қовунларни едик, тўйганимиздан сўнг пўчоқларига қўшиб, эшакларимизга ҳам бердик...

Уйга етиб келганимизда, вақт ҳам аллаҳақал бўлганди. Ботир хайрлаша туриб, хуржундаги қовундан бирини олиб менга узатди. Қўярда-қўймай қўлимга тутқазар экан: “Хафа бўлма, жўра, бир айланиб келганимиз қолди-да”, — деди. Мен аллақандай ҳисдан энтикиб кетдим. Иккаламиз ҳам эшаклардан тушмай, яна айланиб юргимиз келар, бир-биримиздан сира айрилишни истамасдик. Ботир ниҳоят: “Эртагача” — дея қувноқ оҳангда хайрлашиб кетди.

Мен битта қовунни қўлтиқлаб уйга қираб эканман, худди бир хуржун қовун обкелгандек, мамнун эдим...

Орадан ўн кунлар ўтди. Эрталаб мактабга борсам, Ботир бир гапни айтиб қолди. Кеча отамдан эшитдим. Одил чайласининг орқасига бир юз ўттиз даста қаррак босиб қўйган экан, ўчоқдан чўғ учиш шунга тушибди-ю, бутунлай ёниб кетибди. Эртага уйга ташиймиз, деб турган экан. Отамнинг айтишича, Одил унинг ҳаммасини отаси йўқлигида сен билан менга ўхшаб, тарвуз-қовун сўраб борганларга ўрдирган экан. Отам гапининг охирида “Қуриб кетгур бу бола жа беоқибат экан. Қовун-тарвуз эккан одам пайкал бошига бирор киши келса, хурсанд бўлиб, тўрт-бешта қовунни қўлтиқлаб юборади. Бу эса... Отанг, буванг қилган ишни қилсанг ўласанми? — деб қўйди”.

Бу гапларни эшитиб, хангу манг бўлиб қолдим, негадир Одилга раҳмим келиб кетди.

келса, эгасига учрайди. Одатда, пайкал бошига келган кишига еганидан ташқари икки-учта қовун ёки тарвуз ҳадя этилади. Агар кўпроқ олмоқчи бўлса, бозор нархининг ярим баҳосида

пулланади.

Ботир чўлда қўй боқиб, умри ўтган отасига кўпинча нон, сув ташир, шу боис ҳам бу ерларда қовун-тарвуз экадиганларни яхши танир, кўпчилиги отаси билан қадрдон эди. Пайкалга етиб келганимизда Ботирдан кимга учрашимизни сўрадим.

— Айритомлик Чўлибой акани танийсан-а? — деди Ботир. — Шуникига борамиз. Хув бир марта келганимда, отам Чўлибой аканга ёрдам бериб кел, деб юборувди. Шунда кечгача қолиб, энди қулоқ ташлаб бошлаган палакларига “дўм” уюшганман. Ҳозир, Чўлибой аканинг ўзи бўлса-ку, зўр бўлади, лекин ўғли бўлса, иш чатоқ. Ўғли бирам пихини ёрган, миждов, ана унда бир келганимда, икки-уч қанорлик сомонини эшагимда янчиб, битта қанорга ҳаммасини тиқиб берувдим, шундан кейин базўр тўртта тарвуз, олти-та қовун узиб келувди. Чўлибой ака бўлганда-ку ўзим пайкалга оралаб тегиб чиқардим.

Ботир гапирар, мен димоғимга келиб урилаётган қовун исидан маст бўлганча жим кетаяпман. Чайлалардан бирин-кетин итлар хуради. Кенг ҳудудда, узоқ-узоқларга чўзилганча қорайиб ётган пайкалларни бири-бирдан ажратиш бўлмайди. Қаердан-қаергача кимники? Буни эгаларига билади. Улар бошқа одам пайкай олмайдиган кўринмас белгилар билан ажралиб туради.

Ботир ҳам неча марта келган бўлишига қарамай фақат қайси чайла кимга тегишлилигини билади. Биз пайкаллар ёқалаб пича юрганимиздан сўнг эшакларнинг қозигини қаттиқ заранг ерга қокдик ва пишиб ётган қовун-тарвузларни оралаб чайла томон боравердик. Бизни кўриб чайла ёнида ётган ит тинмай хура бошлади, шунда чайладан Чўлибой аканинг ўғли Одил чикди ва бизни кўриб итига кесак отди. Ит гингшиганча нари кетди.

У биз билан:

— Ҳа, нима қилиб юриб-

Сентябр ойининг ўрталари. Пахта терими қизгин паллага кирган. Биздан юқори синф ўқувчилари ва кўпчилик ўқитувчилар ҳар куни эрталаб мактаб ёнида тўпланишди-да, раис юборган трактор тележкасида худди байрамга кетаётгандек далага йўл олади. Биз эса уларнинг ортидан ҳавас билан қараб қоламиз, трактор сойнинг охиридаги муолишдан бурилиб, то кўринмай кетгач синфга киравимиз. Хуллас, ҳаммининг ўй-хаёли пахтада. Баъзида ўқитувчи йўқлиги боис айрим дарслар қолдирилади. Бугун ҳам шундай бўлди. География ўқитувчимиз пахтадалиги учун тўрт соат ўрнига уч соат ўқидик-да, эрта-роқ “қўтилганимиз”дан хурсанд бўлиб уйга жўнадик. Бизнинг ва синфдошим Ботирларнинг уйи мактабдан анча олисроқда, яъни бир қир нарида эди. Шунинг учун ҳам иккаламиз доим мактабдан бирга қайтардик. Бугун ҳам гурунглашиб кетар эканмиз, бир пасда қияликдан ўтиб, қирнинг устига етиб келдик, энди бу ёғига бир югурсак етамиз.

Уйга яқинлашай деб қолганимизда, Ботир тўсатдан “ҳозир айни қовун пишиги, бир чўлга айланиб келмаймизми”, деб қолди. Беихтиёр қовун егим келиб кетди-ю, дарров рози бўлдим ва уйга кирдим-да, нарибери қорнимни тўйдириб, уй орқасидаги тутзорда қуриган барглари териб еб юрган эшагимизни етаклаб келдим. Эгар-жабдуғини қўйиб, кетишга ҳозирлаб қўйдим. Бироздан сўнг малла қангичасини минганича, Ботир дарвозада кўринди. Мен қўй жунидан шахмат нусха солиб тўқилган хуржунни томондан олиб тушиб, эшакка ёлдим ва бир сакраб миниб олдим. “Биримиз олдинда, биримиз орқада эшакларимизни йўрттирганча жар ёқалаб йўлга тушдик. Қишлоқдан чўлгача етти чақирим масофани босиб ўтишимиз зарур. Кечга қолиб юрмайлик, дея эшакларни қичаб-қичаб ҳайдаймиз,

қўлимиздаги учли халач-ўпни елкасига босиб-босиб қўйсак, жониворларнинг юриши янаям тезлашади.

Ҳамма ёқда куз нафаси уфуриб турибди. Қишлоқ оралаб борар эканмиз, ўзимизни ниҳоятда енгил ҳис этамиз. Қуёш қиздираётган бўлса-да, эсаётган майин шабада дилимизни яйратади. Ҳавода учиб юрган мезонларнинг юз-кўзимизга келиб ёпишиши ҳам сира гашимизни келтирмайди, гўё нафис ипак толасидек ёқимли бўлиб туюлади.

Ниҳоят пасту баланд қирликлар бағридаги қишлоғимиз ортда қола бошлади. Қишлоқ билан чўл ўртасидан кесиб ўтувчи катта асфальт йўлга етганимизда, эшагимнинг нўхтасидан тортиб тўхтатдим. Мендан сал олдинроқда кетаётган Ботирга ҳам “шу ерда бир зум турарайлик”, дедим. У ҳам тўхтади. Иккаламиз эшакларимизнинг бўйига узалиб ётганча физ-физ ўтаётган машиналарни кузата бошладик. Текис, равон йўлдан учиш бораётган мана шу машиналарга чиқиб, катта шахарга боришни хаёл қилдик. Бир пасдан сўнг Ботир бунақада кеч қолиб кетамиз, деб эшагини ҳайдади. Икковимиз ҳам асфальт йўлнинг нариги бетидаги ялангликка чиқиб олдик-да, эшакларимизни ниқтаб-ниқтаб чоптирдик. Гарчи чўл деб аталадиган ҳудудга кирган бўлсак-да, ҳали олдинда анча йўл бор. Ялангликдан ўтгач, буғдой экиладиган бийдай дала, ундан сўнг тарвуз-қовун пайкаллари бошланади.

Ҳаш-паш дегунча йўл охирида, бепоён чўл кенгликлариди мунғайибгина турган чайлалар ҳам кўрина бошлади. Чайлаларнинг ҳаммаси дўнроқ, имкон қадар теварак-атроф кўринадиган жойларда омонатгина қурилган. Улар кеч кузда, тарвуз-қовун пишиги охирида йиғиштириб олинади, эрта баҳорда яна тикланади. Ҳар бир чайла соҳибининг биттадан ити бор. Ит чайла ёнида ётганча, эгасига тегишли пайкални кўриқ-

Ажойибот

Қадим давлатларда дунёни лол қолдирувчи иншоотлар қурилган. Улар ҳалигача минглаб сайёҳлар эътиборидан четда қолгани йўқ. Қанча-қанча одамлар бир кўриш завқи билан Греция, Италия, Хитой, Миср ва шу каби тарихий давлатларга талпинадилар. Энг қизиғи шундаки, у пайтларда ҳозиргидек техника ва фан тараққиёт чўққисига кўтарилмаган. Шундай бўлсада, барпо этилган иншоотларнинг баъзилари бугунги кунгача кишиларни ҳайратга солмоқда.

Замонавий архитекторлар ҳам вақти келиб авлодлар эътиборини қозонадиган кўприклар, баланд бинолар ва аттракцион дам олиш масканлари қуришга интилаяптилар. Албатта, улар бу борада етарлича натижага эришганлар. Фикримизнинг исботи сифатида бир қанча далиллар келтириб ўтамыз.

«ОКЕАН ГУМБАЗИ»

Япониянинг Кьюшу оролида жойлашган Сигая ўрмон зонаси энг ажойиб жойлардан биридир. Бу жой курорт-шаҳар ҳам дейилади. У ерга дунёнинг турли чеккаларидан минглаб



сайёҳлар ташриф буюрадилар. Бутун йил давомида меҳмонлар билан гавжум бўлади.

Курорт шимолдан жануб томонга 10 километрга чўзилган бўлиб, 700 гектарни ташкил этади. Меҳмонхоналар, ресторанлар, аттракционлар ва бошқа турли хил дам олиш воситалари мавжуд. Айниқса, гольф ўйини учун алоҳида майдонлар ажратилган.


Сигаяда дунёга машҳур (хатто Гиннеснинг рекордлар китобига ҳам киритилган) «Океан гумбази» деб номланган аквапарк бор. У бир вақтнинг ўзида 10000 га яқин кишини сиғдира олади. Гумбаз очилиб-ёпиладиган томлардан иборат. Унинг баландлиги 38 метр, кенглиги 300 метрни ташкил қилади. Ичида тўлқинли «океан», пляж, йил давомида 29 даражали ҳарорат сақланиб турадиган сув мавжуд. Ундан ташқари, тропик ўсимликлар, шаршаралар, гидромассажли бассейн, сув аттракционлар, кинотеатр ва ресторанлар эртаю кеч ишлаб турибди. Тропик шоу-фестивал, рақс, мусиқавий чиқишлар ҳар куни бўлиб ўтади.

ЭНГ УЗУН КЎПРИК
— ВИАДУК МИЙО

Франциянинг кичкинагина шаҳарчаси шарафига қўйилган Виадук Мийо дунёдаги энг йирик кўприклардан бири ҳисобланади. У 2,5 километрга чўзилган, баландлиги 270 метр. Пойтахт Париж билан ўрта Ер денгизини боғлайди. Виадук Мийо — осма

кўприк бўлиб, Мийо шаҳарчаси ёнидаги Тарн дарёси водийси узра қурилган. Лойиҳа муаллифлари Нормандиядаги дунёга машҳур осма кўприк лойиҳаси муаллифи Франциялик муҳандис Мишель Виржоло ҳамда Гонконг аэропорти ва Берлиндаги Рейхстаг биносини қайта тиклаш лойиҳачиси инглиз архитектори Норман Фостерлардир. Кўприк тиргакларининг энг баланди 341 метр — Эйфель минорасидан сал баландроқ, Чикагодаги «Эмпайр Стейт Билдинг» минорасидан 40 метр пастроқ. У 2004 йил 14 декабрда фойдаланишга топширилган. Биринчи транспорт ҳаракатлари эса 16 декабрдан бошланган.


Кўприк юқори тезликка мос-



лашган Париждан (Клермон-Ферран орқали) Безье шаҳригача борадиган трассанинг охири ҳалқасидир. Бунгача Мийо яқинидаги тўққизинчи сонли миллий трассада фойдаланилган. Ёз охирида йўловчилар кўплиги туфайли тикилинчлар юзага келарди. Кўпгина сайёҳлар ҳозирда шу осма кўприкдан ўтмоқдалар.

СУНЬИЙ ОРОЛЛАР
ШОДАСИ


«Дунё» деб ном олган сунъий ороллар лойиҳасини 2008 йилда битказиш мўлжалланмоқда. Лойиҳанинг амалга оширилиши мутахассислар томонидан Дубай шаҳри кўркига кўрк қўшиши

ДУНЁ
МЎ'Ъ ЖИ'ЗАЛАРИ

TAIPEI 101

2001 йилда содир этилган теракт оқибатида Нью-Йоркдаги «эгизак» биноларнинг қулаб тушгани ҳалигача кўпчилик ёдидан кўтарилмаган. Улар дунёдаги энг баланд бино сифатида эътироф этилган эди. Бу воқеадан сўнг баъзи мутахассислар бундай бинолар қуришга шубҳа билан қарай бошлаганди. Бироқ тайванликлар шубҳа-гумонларга чек қўйдилар. Пойтахт Тайбейда 101 қаватли осмонўпар бино қад ростлади. У Халқаро архитекторлар гуруҳи томонидан энг баланд бино, дея эътироф этилиб, баландлиги 571 метрни ташкил қилади. Бунгача рекорд ўрнатган Куала-Лумпурдаги «Петронас Та-

таъкидланмоқда. Унда кўрсатилишича, Ер шарининг 7 минтақаси кўринишида 300 га яқин сунъий ороллар мавжуд бўлади. Лойиҳа яна бир режадаги «Бурж ал-Араб» деб номланувчи меҳмонхона қаршисида жойлашади. Майдони узунасига 9 километр, кенглиги эса 6 километрни ташкил қилади. Ҳар бир орол орасидаги масофа 50—100 метрдан иборат бўлади. Архипелаг тўлқин қайтаргичлар билан ўралган бўлиб 6 метрли тўлқинга бемалол бардош беради. Келажакда маҳал-



майди. Агар баланддан томоша қилинса, муҳандислар маҳоратига тан бермай илоҳи йўқ.

ЭНГ УЗУН
АВТОМОБИЛ
КЎПРИГИ ХИТОЙДА
ҚУРИЛАДИ

Тиниб тинчимас Хитой мутахассислари кўприк қуриш учун дастлабки техник лойиҳани тасдиқладилар. Унга кўра Ханчжоу кўрфази устидан ўтадиган бу кўприк Шанхайдан то Шарқий Хитойдаги Чжэцзян провинциясига қадар чўзилади. Кўприкнинг узунлиги 35 километру 673 метр бўлиб, кенглиги 327 метрни ташкил қилади. Унда ҳар бир йўналиш 6 қатордан иборат бўлади. Лойиҳани амалга ошириш учун 1,43 миллиард АҚШ доллари керак бўлади. Кўприк Шанхайдан Чжэцзянгача бўлган йўлни 200 километрга қисқартиради.



Аброр УМАРҚУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири
хориж матбуоти асосида
тайёрланди

лий аҳоли цунами тўлқинидан кўркмас ҳам бўлади.

КЕЛАЖАКДАГИ ЭНГ
БАЛАНД БИНО

Дунёдаги энг баланд бино рекордини янгилаш борасида турли давлатларда ҳаракатлар бошланиб кетди. Мутахассислар Дубай шаҳрида қурила бошлаган «Дубай минораси» деб номланган минора дунёдаги энг баланд бино бўлади, дея тахмин қилмоқдалар. Унинг баландлиги 700 метрдан 800 метргача етади, деган маълумотлар бор. Ҳозирда рекорд рутбасида бўлган 571 метрли Taipei 101 биноси муҳандислари доғда қоладиган бўлдилар. Лойиҳа муаллифлари Дубай ҳудудида кўплаб тарқалган Ҳименокаллика (Hymenocallis) гулидан илҳомланганлар. Бу бино чизмасига ҳам таъсир қилмай қолмади. «Дубай минораси»ни бир қарашда гулга ўхшашлиги сезил-

уэрс» энди ўз ўрнини бўшатиб беришга мажбур бўлди. 101-қаватга чиқиб тушиш учун 67 та лифт ишлаб турибди. Лифтлар тезлик бўйича ҳам дунёда биринчи ўринда туради. Баландга кўтарилиши соатига 60,6 километрни ташкил қилади. Пастга тушишда эса тезлик бироз чекланган. Бундан ташқари, бино замонавий ўт ўчириш тизими билан жиҳозланган ҳамда сейсмик жиҳатдан анча мустаҳкам.

Етти шқлим нафраси

Кастронинг соғлиги тикланмоқда

Кубада бошланган халқаро китоб ярмаркаси очилиши маросимида кутилмаганда давлат лидери вазифасини бажарётган Рауль Кастро пайдо бўлди. Ҳозир бўлган журналистларга акаси Фидель Кастронинг соғлиги тўғрисида маълумот берди.

— Унинг аҳоли кундан-кунга яхшиланмоқда. Кўпроқ ўзининг устида ишляпти. У ётоғидаги телефондан тез-тез фойдаланади, — дейди Рауль. — Кўп масалаларда биз маслаҳатлашамиз ва у давлатдаги барча воқеалардан хабардор.

«ТЕМИР ХОНИМ» — ЮЛИЯ

«Темир хоним» тахаллусини олган Юлия Тимошенко ушбу ҳафтада яна сиёсат сахнасига кўтарилди. 5 феврал кўни «Юлия Тимошенко блоки» партияси билан «Бизнинг Украина» партияси бирга фаолият кўрсатиши ва «Минтақалар партияси», «Соцпартия», «Коммунист» коалицияси томонидан шакллантирилган амалдаги ҳукуматга муҳолифат сифатида иш кўриш бўйича келишиб олишди. Ушбу муҳолифат ўз олдига қўйган мақсад тарозусига илк тошни қўйди. Сешанба кўни муҳолифат томонидан Олий Рада фаолияти тўхтатиб қўйилди. Бунга сабаб «Украина нефтегази» компаниясига қарашли магистрал газ қувурлари активларининг маълум бир қисмини Россия компанияларига сотмаслик бўлди. Муҳолифатдагилар ушбу талаб депутатлар томонидан маъқулланмагунча Олий Рада фаолиятига тўсқинлик қилишни таъкидлашган. Шу кўннинг ўзида 450 депутатдан 430 нафари талабни маъқуллашган. Бундан руҳланган Тимошенко улоқни ўз қўлида сақлаб қолиш учун бор кучини сарфламоқда.

Тимошенко 1960 йил 27 ноябр кўни Украинанинг Днепропетровск вилоятида таваллуд топган. 1984 йили Днепропетровск давлат университети-нинг иқтисод факультетини битирган ва машинасозлик заводида муҳандис-иқтисодчи сифатида фаолиятини бошлаган. 1997 йили депутатликка сайлангунча бир неча лавозимларда ишлаб келган. 2001 йили «Украина»нинг ягона энергетик тизими» президенти лавозимида фаолият кўрсатаётганда кўп миқдорда маблағни ўзлаштиришда айбланади ва лавозимдан четлаштирилади. Ҳамда тергов ҳибс-хонасига юборилади. Лекин Киев туман суди Тимошенкони ҳибсга олиш санкциясини бекор қилди. 2002 йилдан яна сиёсатда иштирок этишни бошлади.

Тимошенкoning асосий ишларидан бири рангли деб аталмиш инқилобга бош бўлганлигидир. 2004 йили Украинада ўтган президентлик сайлови барчанинг «тинчасини» қуритди. Сайлаш жараёни нақд 2,5 ой давом этиб, энг узун сайлов сифатида Генисининг рекордлар китобидан жой олди. Юшченконинг галабасини таъминлаш учун тиш-тирноғи билан курашган Тимошенко келажақда бош вазир курсини эгаллашни ният қилиб қўйган эди. Тимошенко айнан Юшченкони танлаганининг боиси бор. Чунки Юшченконинг орқасида Фарб мамлакатлари турар ва сиёсатни айнан ушбу мамлакатлар қарашлари асосида қўриш эди.

Бундан ташқари, Тимошенко Россиянинг бош ҳарбий прокуратураси томонидан Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг мансабдорларига қўрилиш материалларини оширилган нархда етказиб бериш бўйича шартнома тузишда пора беришда айбланиб, халқаро қидирувга бериб юборилган эди.

В. Януковичнинг мақсади эса Россия билан интеграцияни кучайтириш эди. Балки шунинг учун, биринчи курашда Янукович галаба қозонди. Лекин сайловда қонунбузилишлар содир этилган, деб сайлов натижаси инobatга олинмади. Иккинчи марта ўтказилган сайловда Юшченко ҳокимият тепасига келди. Хуллас, Фарб босими остида «рангли» инқилоб тантана қилди. Тимошенкoning орзулари ушалди. 2005 йилнинг 4 февралда Олий Рада депутатларининг кўпчили-

овози билан бош вазир лавозимида тайинланди. Лекин унинг хурсандчилиги узокқа чўзилмади. Унинг бошқаруви пайтида ихро этувчи ҳокимиятнинг турли тармоқларида зиддиятлар кучайди. Мансабдорлар тирноқ остидан кир қидиришди. Буни кузатиб турган президент 2005 йилнинг 8 сентябрида Тимошенко бошчилигидаги ҳокимиятни тарқатиб юборди. Отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган «Темир хоним» парламент сайловида галаба қозонишга отланди. Ҳатто Янукович билан учрашишга борди. 2006 йилнинг 26 мартда бўлиб ўтган парламент сайловида Тимошенко партияси (ЮТБ) 22,27% овоз тўплади. Бу Януковичнинг «Минтақалар партияси»дан кейинги ўрин кўрсаткичи эди. Президентлик сайловида галаба қозонган Юшченконинг «Бизнинг Украина» партиясига кўпчилик ишонч билдирмади. Аксинча, мамлакат

рахбарлигини қўлдан бой берган Януковичга аҳолининг кўпчилиги ишонч билдирди. Тимошенкoning фикри-хаёли бош вазирликни қўлга киритиш эди. Унинг ЮТБ, «Бизнинг Украина», «Украина социал партияси» биргаликда «рангли» ҳукумат коалициясини тузиш ва бош вазир лавозимини эгаллашга бўлган уриниши натижа бермади. Қарийб 4 ойча Украина ҳокимиятсиз қолди. Қайта сайлов ўтказишни талаб қиладиган мударатга санокли онлар қолганда «Укра-

на социал партияси» негандир «Минтақалар партияси» ва «Коммунистлар» билан Антитаназул коалициясини тузишиб, Радада кўпчилик овозга эга бўлишди. Ҳокимият портфелини ким эгаллашни Олий Радада кўпчиликни ташкил этувчи электорат ҳал қиладди. Энди Президент икки йўлдан бирини, ё парламентни тарқатиб юбориб қайта сайлов ўтказиш ё тузилган коалицияни тан олиб, ҳокимиятни шакллантириши керак эди. Бунда президент икки олов ўртасида қолар эди. Тузилган коалицияни тан олай деса, биринчидан, ҳокимиятни қўлдан бой берар, иккинчидан, энг яқин тарафдорларидан воз кечишга тўғри келар эди. Тан олмай деса, халқ билдирган ишончга қарши чиқиш ва яна сайлов ўтказиб одамларни бездириб юбориш мумкин эди. Хуллас, коалиция тан олинди ва Бош вазирлик курсиси Януковичга насиб қилди. Олдинги «рақиб»лар биргаликда ишлашга қарор қилишди. Тимошенко эса 2006 йилнинг 3 августда муҳолифатга ўтишни билдирди ва президент Юшченко таклиф этган Миллий универсал бирликка имзо қўйишдан бош тортди. От айланиб қозигини топади, деганларидек ушбу ҳафтада Президент партияси бўлган «Бизнинг Украина» билан Тимошенко бошчилигидаги ЮТБ партияси ҳамкорликда фаолият кўрсатиш бўйича келишувга эришилди. Ҳатто амалдаги ҳукуматни тарқатиб, парламентга қайта сайлов ўтказишни режалаштиришмоқда. Ҳозирча қайси юридик ҳужжатга асосан ҳокимият тарқатилиши аниқ эмас. Лекин шуниси маълум бўлдики, сайловда галаба қозонилса бош вазир курсиси яна Тимошенкога насиб этади. Умуман, бош вазир бўлиш учун 30 миллион аҳолининг билдирган ишончига бир йил ҳам тўлмасдан яна синовдан ўтказилдиган кўринади.

Абдурасул ЁРБЕКОВ

Ироқдаги қаршилиқ курсатаётган сунний ҳаракатларидан бирининг бошлиғи Жалоний мавжуд зўравонликларни тўхтатиш борасида биринчи бўлиб ўз шартларини эълон қилди. Айни пайтдаги вазиятнинг ижобий томонга ўзгартириш учун АҚШ суннийларнинг талабларини инobatга олиши керак, дея таъкидлайди у.

Унинг талабларидан бири янги Конституциянинг ноқонунийлигини тан олишдир. Конституцияга биноан нефтга бой ҳудудлар курдлар ва шиалар томонидан бўлиб

Жангарилар музокара тарафдори

олинган. Бу эса, табиий бойликдан келадиган даромадлардан кўпроқ улар манфаатдор бўлади, демакдир. Бу вазият суннийларда норозиликка сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, агарда музокаралар олиб борилгудек бўлса, улар қўйидаги шартлар асосида ташкиллаштирилиши керак: намоийшга чиққани учун қамалган 5 минг нафар маҳбусларнинг озод қилиниши, кўрсатилаётган қаршилиқлар қонунийлигини ва Ироқ аҳолисининг фикрини ифода-лашдаги ролининг тан олин-иши, эришилган шартномаларни белгиланган муддатларга риоя қилиниши устидан халқаро назоратни ўрнатиш каби талаблардир. The Independens газетасининг фикрига кўра, АҚШ музокаралар олиб боришни истамайди.

ВЬЕТНАМДА ЙЎЛ ҲАЛОКАТИ

Вьетнамнинг Ханьхя провинцияси марказида йўл ҳалокати содир бўлди. Шимолдан жануб томон кетаётган тез-юрар поезд автобус билан тўқнашиб кетди. Натижада автобус йўловчиларидан 12 киши воқеа жойида ҳалок бўлди. Қолган 15 киши маҳаллий касалхонага ётқизилган.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг Қораўзак тумани бўйича вакили Нурмухаммед Тлеумуратовга сингисли **СВЕТА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Голландия ва Канададан «Гольштин» зотли қорамол манийси (уруғи) ва эмбрионини олиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Тошкентдаги телефон: 321-36-91, e-mail:

mmuminov@yandex.ru

ҚИШЛОҚ-ХЎЖАЛИГИ-КОРХОНАЛАРИ-ВА ФЕРМЕР-ХЎЖАЛИКЛАРИ-ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи
масъулияти чекланган жамияти

* Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан сотишини маълум қиладди.



* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
* Уларнинг сифати тўла қафолатланади.



Манзил: Фарход ярмаркаси, 3-қатор.
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 276-33-51. Факс: (8-371) 117-46-10



• Ҳажвия



Ким каптарга, кимдир мол-ҳолга ва яна кимдир итга ишқибоз. Лекин, дунёнинг тескарилигини қарангки, камина рекламасиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Агар автобусда кетаётган бўлсам, кўзларим симёғочларга илиб қўйилган улкан реклама ларни ўқишдан чарчамайди. Метро ёки катта дўконларда эса уларни нукта-вергулигача ўқиб чиқаман. Телевизорда кўрсатилаётганларга-ку — гап йўқ, аввал рекламани кўриб, кейин нонушта қиламан. Лаббай, сизга ёқмади-а, ҳатто ичингизда мени сўқиб ҳам қўйдингиз. Бироқ, шошилманг, гапимни нихоясига етказиб олай, кейин ҳулоса чикариш сиздан. Келишдикми, унда эшитинг.

Ойнаи-жа-ҳонда реклама пайдо бўлибдики, ҳали биронтасини ўтказиб юборганимча йўқ. Ҳатто аксарияти хотирамда михланиб қолган. Жумладан, «Фервикс-Упса», «Назвин», «Ринза» каби дори-дармонларни истеъмол қилиб турсангиз, «етти пуштингизни шамоллашдан халос қилган бўласиз» ёхуд «Аспирин-Упса» ни ичмабсиз — дунёга келмабсиз» ва ҳоказо.

Жумлалар тузилишидаги жозиба, ўйноқлик ва кўтаринкиликни қаранг. Бундай рекламаларни кўрган киши гарчанд «дори» сўзини эшитиши билан бада-нига тошма тошиб кетса ҳам, физ этиб дорихонага югурганини билмай қолади. Ўзингизчи, дейсизми, э-эй, мен дори ичишда туманда биринчиликни олиб бўлганман. Бутун бошли шахсий кутубхонам, стол, шкафларнинг тортмалари ранг-баранг дори-дармонларга тўлиб кетган. Шукр, «Фастум гел», «Каргипп»,

«Алимак», «Эссел форте», «Мезим» дейсизми, ҳаммасидан бор. Айниқса, «Аксилит-та» дорисини қабул қилаётганимдан буён иштаҳам ғиппа бўлган. Натижада пулимиз тежалиб, рўзгоримизга барака кирмоқда.

Катта арава қаёққа юрса, кичиги ҳам ўша ёққа юрар экан. Умр йўлдошим ҳам реклама кўриб, улarga амал қилишда мендан қолишмайди. «Лореал-Париж» шампунини сочиға суртганидан бери жонимиз кириб қолди. Чунки унинг ҳидидан пашша, чивин, суваракларнинг ини

минг танга бўлиб кетди.

Кенжа кизимиз Сурайёнинг оғзидан эса кеча-ю кундуз «Орбит» сақичи тушмайди. Унинг айтишича, мунтазам чайнаш семириб кетишининг олдини олади, бутун тана аъзолари ҳаракатга келади. Шу боис у эрталабки бадан-тарбияга турмас экан.

Хуллас калом, ишқибозлик курсин — нима реклама қилинган бўлса ўшандан ичавериб, силлам қуриб, этим, киприкларим учадиган, серзарда бўлиб қолдим. «Асабим чарчабди» деб ўйлаб, «Биопассит»дан кўнглимга теккунча ичаверибман. Кўзгуга қараб ўзимни таниёлмай қолдим — кўзимнинг биттаси тепага, иккинчиси пастга боқади.

Шифокорга учраб, бор гапни айтиб бердим. У мени обдон текшириб кўргач, шундай деди:

— Касалликни ўтказиб юборибсиз, укол, укалаш, физиотерапия муолажаларини олишингиз керак. Энг муҳими, бир неча ой реклама кўрманг! Мана, шифохонага йўлланма, этиб даволанмасангиз бўлмайди!

Шифохонада шарт-шароит зўр экан. Иккинчи қаватнинг учта фойесидан ўтга «Панасоник» телевизор. Энг кулгили кино кўрсатилаётган экан... бирдан реклама бошланди.

Кўз олдим хиралашиб, диванга «шилқ» этиб йиқилдим. Кимдир дўхтирга югурди, кимдир сув олиб келиб, оғзимга тутди. Реклама эса давом этарди: «Икки... Икки... Бир дақиқа учун икки цент... Билайн».


Абдунаби МАННОПОВ

Мунажжим башорати

(12 - 18 феврал)



КҲЙ. Ҳаётда фаол бўласиз. Обрўли хизмат вазифасига эришиш мақсадида ишга бошингиз билан шўнғиб кетасиз. Сешанба куни кўтаринки қайфият ҳукмрон бўлади. Чоршанбада жиддий масъулиятли вазифа юклатилади. Шанба куни воқеаларга, таассуротларга бой бўлади. Якшанбада мириқиб дам олинг.



БУЗОҚ. Ҳафта молиявий масалаларни ҳал қилиш билан бошланади. Сешанба куни дўстлар билан алоқалар сузлаштириш ёки узилиши мумкин. Чоршанба куни жамоадаги дўстлар сизни хурсанд қилади. Пайшанбада жиддий ишга қўл урмаган маъқул. Жума ва шанба кунлари жамоат ишларида иштирок этиш хоҳиши туғилади.




ЭГИЗАКЛАР. Душанба куни ҳамкорлар билан шартнома тузишда эътиборли бўлинг. Сешанбадан бошлаб ишда муаммоларга дуч келасиз. Ҳафта бўлманг. Шанбада ҳамкорлар билан боғлиқ қутилмаган ва ижобий ўзгаришлар юз беради. Дам олиш куни ишдаги вазифалар учун бош қотирманг.



ҚИСКИЧБАҚА. Ҳафтанинг биринчи кунда маиший ва меҳнат муаммолари безовта қилиши мумкин. Кейин муваффақиятли натижаларга эришасиз. Сешанбада ҳамкорларнинг ишидан мамнун бўласиз. Чоршанба куни қутилмаган янгиликлар ҳиссиётларга таъсир қилиши мумкин. Пайшанба куни ҳеч қандай ишни режалаштирманг.




АРСЛОН. Муҳаббат боғига қадам қўйишининг фурсати етмадикини? Бу ҳақда астойдил ўйлаб кўринг. Сешанба куни олинандиган ахборотлар жиддий ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади. Шанба куни ҳамкорлар билан муносабатлар ўзгаради. Якшанбада ҳаётингизни бирданига ўзгартириш истаги туғилиши мумкин.



ПАРИЗОД. Душанба куни оиладаги муносабатлардан хурсанд бўласиз. Сешанбадан бошлаб тадбиркорлик юзасидан алоқаларни кенгайтирасиз. Бироқ вазиятни доим ҳам тўғри баҳолай олмайсиз, ҳиссиётлар жунбушга келади. Шанба куни оила аъзоларининг ёрдамидан ҳис қиласиз. Якшанба куни ҳамкорларни ўзгартириш эҳтимоли бор.




ТАРОЗИ. Душанба куни соғлиққа эътибор қаратинг. Сешанба куни оиладагилар сизни қўллаб-қувватлайди. Ҳафта ўртасида ишингизда ютуқларга эришасиз. Шанбада атрофдагилар билан илиқ муносабат юзада келади. Муаммоларни ҳал қилишда ижобий силжиш кузатилади. Якшанба куни билимингизни ошириш учун қулай.



ЧАЁН. Душанбадан бошлаб молиявий аҳвол, шахсий истеъдод, кучли истак сизни қамраб олади. Севги бобида юрагингиз сизга бўйсунмайди. Сешанбада гўзал туйғулар сизни хурсанд қилади. Жума куни моддий бойликни қўлга киритиш имкони бўлади. Шанбада сизни қўллаб-қувватлашади. Якшанбада фарзандларга бағишланг.




ЎКОТАР. Душанба куни ички ҳиссиётларга қулоқ тутинг. Ҳафтанинг иккинчи кун оилада эски воқеалар яна кўзгаллиш мумкин. Бепарво бўлманг. Пайшанба куни маблағ топиш учун янги иш бошлашга шошилманг. Жума куни туйғулар уйғунлашади ва фаол ҳаракатда бўласиз. Шанба куни меҳмондорчиликка боришингиз мумкин.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Улкан ўзгаришларни мўлжаллаясиз. Шунинг учун душанбадан масъулиятли вазифаларни зиммага олишга тўғри келади. Жума куни муҳим ишларни режалаштирмаган маъқул. Шанбада молиявий масалаларда ёрдам олишингиз қутилмоқда. Дам олиш куни узокқа саёҳат қилиш масаласида ўйлаб кўрасиз.



ҚОВҒА. Душанбада муҳим моддий масала намоён бўлади. Чоршанбада нотаниш кишидан ёрдам оласиз. Савдо-ни амалга ошириш учун қулай фурсат бўлади. Пайшанбада қийин вазифаларни бажаришга киришманг. Шанба куни ташаббусингизни жамоа қўллаб-қувватлайди. Якшанбада моддий ишларда ижобий ўзгаришлар қутилмоқда.



БАЛИҚ. Душанба ва жума сизга омад келтиради. Ҳатто ишингизда кўтарилиш имконияти мавжуд. Пайшанбада учрашув белгиланг. Шанба куни сизни қийнаётган муаммони ҳал қиласиз. Танҳоликдан ўкинманг, жуфтингизни топишга ҳаракат қилинг. Якшанба куни ўзингизга эътибор беринг. Шахсий ҳаётингизни таҳлил қилинг.

Изоҳи сиздан...



«Тангем»даги жаноб Минга Жуда ҳавас қиламан. Катта бўлсам албатта, Шундай шапка оламан.

Нозимахон АХМАДБЕКОВА,
Тошкент шаҳар Мирзо
Улуғбек тумани,
279-м. 9-синф ўқувчиси

Оҳ қулупнай, қулупнай,
Бунча ширинсан, бай-бай,
Дармон-дорига бойсан,
Соғиндим қолсам кўрмай.

Еган сари тўймайман,
Кўзим тушса қўймайман.
Боғча укамни эслаб,
Бошга қўйиб ўйлайман.

Нафсимга-ку бас дейман,
Ширин томоқ ҳам дейман,
Ўзгаларни ҳам ўйла,
Сабр муқаддас дейман.

Рустам САТТОРОВ,
Наманган шаҳри



Энг яхши, энг қувноқ изох
эгасига махсус совғамиз
бор. Энди навбатдаги
суратга изох топинг-чи?

Ҳурматли муштарийларимиз! Изоҳларингизни таҳрири-
ятимиз котибиятига телефонда айтишингиз ёки факс
орқали ҳам йўллашингиз мумкин.

Ishonch

Бош муҳаррир
Абдуҳалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёкубов, Фуломзокир Юсупов

Бизга кўнғирок қилинг:
Котибият: 153-52-78
Хатлар бўлими: 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерлари терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ўқимчи А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй,
Навр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (ф) белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - Д.Мадиев
Навбатчи - Т.Шернаев
Мусаххих - Н.Юлдашев

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ж.Юнусов, Ю.Михайловский.

Буюртма Г— 115 Тиражи: 19219

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.10

Сотувда эркин нархда 1 2 3 5 6 7 8